

ISSN 2181-9521

№ 1-son, 2019



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL





**Муносиб топилган номзодларни камида бир йил
ўқитиб, тайёр судья сифатида лавозимга тайинлаш
тизимини жорий этиш зарур. Бунинг учун Судьялар
олий кенгаши қошида Судьялар олий мактабини
ташкил этишни таклиф қиласман.**

***Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан

КЎЧИРМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириши мақсадида:

1 Қўйидагилар судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

 судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этиши;

 судьялик лавозимларига номзодларда назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулокоти ва вақтни бошқариш кўникумларни, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериси ва қўллашни ривожлантириши;

 судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиши, шу жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

 иш юритиши ва танқидий таҳлил қилиши, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан

фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникумларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиши услубларини таълим жараёнига жорий этиши.

2 2019 йил 10 январдан бошлаб қўйидаги тартиб жорий этилсин:

 судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиши, касбий этика, ишчанлик мулокоти ва вақтни бошқариш кўникумларини ўқитишига, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришига қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш;

 касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиши кўникумларини эгаллашига, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишининг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришига қаратилган, давомиyllиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш;

Белгилаб қўйилсинки:

судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиши мувваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади.

«ODILLIK MEZONI»
илемий-амалий,
хуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби

Хамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

Кенгаш аъзолари

Козимжон КАМИЛОВ

Акмал САИДОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДОРОВ

Ахтам ТУРСУНОВ

Худоёр МАМАТОВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Ижодий гурух

Набижон ЖАЛОЛОВ

Нозимжон АШУРАЛИЕВ

Мусулмонбек ИБРОХИМОВ

Муслима АСАТУЛЛАЕВА

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон карори
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар
асосий илмий натижаларини чоп
этиш тавсия этилган илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил
1 февралда 0972-ракам билан
кайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Хар ойда бир марта чоп этилади.
Журналда эълон қилинган материалардан
фойдаланилганда, манба кайд
етилиши керак.

Босишига 22.02.2019 да рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табок
Буюргма № 19-03
Адади 2000

“Маънавият” нашриётининг
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: 100047, Тошкент
шаҳри, Тараққиёт 2-берк кўчаси, 2-йй

МУНДАРИЖА

Давр кўзғуси

6-бет

Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор Судьялар олий мактаби ташкил этилди



Судья минбари

14-бет

Суд қарорини ёзган судья халқаро ҳуқуқни ҳам қўллаши мумкинми?



УМУМЛАШТИРИШ, ТАҲЛИЛ, ТАВСИЯ

18-бет

Хуқуқбузарликларга оид маъмурий ишларни кўриш билан боғлиқ суд амалиёти: муаммо ва ечим





Тадқиқот, таҳлил, таклиф

24-бет

Такафул-суғурга: тарих, тараққиёт ва келажак





ЎЗБЕКИСТОН СУД ТИЗИМИ ТАРИХИДА ИЛК БОР СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Бугунги кунда бутун дунёда рўй берадиган туб ўзгаришлар, манзараси кун сайн ўзгариб бораётган бекарор геосиёсий вазият, тобора чуқурлашаётган глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш дунё ҳамжамияти олдидағи ўта долзарб вазифалардан бирига айланаб бормоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, шиддатли тус олган КЕНГ КЎЛАМЛИ ислоҳотлар замерида ИНСОН МАНФААТЛАРИни ҳимоя қилиш масаласи ётади. “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган инсонпарвар тамоил давлат ва жамият ҳаётида бош гояга айланди. Шубҳасиз, буни амалда таъминлаш учун давлат ва жамият ҳаётида АДОЛАТ қарор топмоги керак.

Давлатимиз раҳбари ўзининг кўплаб маъруза ва чиқишлирида инсон қадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган мустақил одил судлов тизимини шакллантириш лозимлигига алоҳида урғу қаратади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди”.

Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида фойят қисқа муддат ичидаги мутлақо янги адолатли суд тизимини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди. Мана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2019 йилнинг 6 январь куни Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда Судьялар олий мактабини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ва унинг вазифаларини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жорий йилнинг 2 февраль куни Судьялар олий мактабининг расмий тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида бир қатор хорижий мамлакатларнинг элчихоналари ҳамда ҳалқаро ташкилотларнинг мутасаддилари, Ўзбекистон Парламенти аъзолари, Судьялар олий кенгаши, Олий суд ва Конституциявий суд судьялари, Баш прокуратура, вазирилик ва идоралар, олий ўқув муассасалари, шунингдек, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қуйида ушбу тадбир тафсилотлари ва янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида Судьялар олий мактаби мутасаддиларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла Мингбоев:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 6 январда имзоланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096 сонли Қарори ва унда белгиланган вазифалар юксак салоҳиятли, бугунги давр талабига жавоб берадиган, профессионал ва етук судьялар корпусини шакллантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қарор билан ташкил этилган Судьялар олий мактаби жамоаси олдида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш вазифаси турибди.

Шундан келиб чиқиб, янги ташкил этилган Судьялар олий мактабидаги тингловчилик учун энг муҳим назарий ва амалий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўнкимлари, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва ҳуқуқни кўллашни ривожлантириш масалалари жиддий эътиборга олиниши шарт.

Бунинг учун Олий мактабга жалб этиладиган мутахассислар ҳар томонлама бугунги кун талабига жавоб берадиган билимли, шу соҳадаги миллий ва хорижий тажрибани яхши биладиган, дунёқарashi кенг, катта ҳаётий ва касбий тажрибага эга бўлган амалиётчи ҳуқуқшунослар бўлиши шарт.

Судьялар олий мактабига суд, адлия, прокуратура, ички ишлар органларида ишлаб кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган амалиётчилар, ривожланган хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқшунослари, психиа-



трлар, экспертлар, соҳа мутахассисларини, фалсафадан, мантиқ илми (логика) дан дарс берувчи етук олимларни жалб этиш лозим бўлади.

Бир сўз билан айтганда, Судьялар олий мактаби ўзининг фаолиятини тўлақонли амалга ошира бошласа, кўзланган мақсадга эришилади ва суд корпуси ҳақиқий судьяликка муносиб адолатли кадрлар билан таъминланади.

Қарорда белгиланганидек, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курс-

Джон МакГрегор,
Европада ҳавфсизлик ва
ҳамкорлик ташкилотининг
Ўзбекистондаги элчisi,
Миссия раҳбари:



– Дунё тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсан, инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашда мустақил суд ҳокимиятининг ўрни бекиёс. Шунинг учун кўпгина ривожланган демократик давлатларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига, судьяларнинг ҳар томонлама билимли ва юксак салоҳиятли бўлишига жиддий эътибор қаратилади. Қайсиdir мамлакатда судьяларни тайёрлаш бўйича академия бўлса, яна қайсиdir давлатда бу мактаб деб юритилади. Лекин моҳият нуқтаи-назаридан бу судьялар корпусини юксак салоҳиятли мутахассислар билан тўлдириш учун хизмат қиласи.

Судьялар олий мактаби фаолиятининг бошланиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манбаатларини амалда таъминлаш соҳасида катта қадам деб ҳисоблаш жоиз.



ларига қабул қилинган шахслар асосий иш жойи бүйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади. Бундан ташқари, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курслари тингловчиларига судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатига ҳақ тўлаш фонди миқдорида стипендия тўланади. Судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида амалга оширилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчиларига ўқиш давомида асосий иш жойи бүйича эгаллаб турган лавозими ва ўртacha ойлик иш ҳақи сақланади.

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ, Судьялар олий мактаби директори:

– Дастлаб, алоҳида таъкидлашни истардимки, Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган ушбу тарихий қарорда белгиланган муҳим вазифаларни амалга ошириш Судьялар олий мактаби жамоаси олдига жуда катта масъулият юклайди.

Гап шундаки, шу кунгача миллий амалиётда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш борасида бундай тузилма мавжуд эмас эди.

Қарорда янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти энг ривожланган демократик мамлакатлардаги илгор тажрибалар билан ҳамоҳанг тарзда бўлиши вазифаси белгиланди. Бунинг учун, шу соҳадаги машҳур, тажрибали хорижий эксперт

олимларни дарс жараёнларига жалб этиш масаласи ҳам кўзда тутилган. Энг муҳими, Судьялар олий мактаби тингловчилари ҳар томонлама юксак савияда ўқитилиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий томондан барча имкониятлар юратилимоқда.

Қарорга мувофиқ мамлакатимизда судьялар корпусини шакллантиришнинг мутлақо янги тизими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi ҳузурида ташкил этилган Судьялар олий мактаби судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади.

Олий мактаб таълим йўналишлари бўйича уч босқичда фаолият юритади:

судьялик лавозимига номзодларни тайёрлаш бўйича бир йиллик магистратура таълими;

раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш бўйича икки ойлик курслар;

судьялар ва суд аппарати ходимлари малакасини ошириш бўйича икки ҳафтадан кам бўлмаган курслар.

Судьяликка номзодларни танлаб олиш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг янгича тизими, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол ўқитиш усувлари жорий этилади. Тингловчиларда назарий


билимлар билан бирга касбий этика, психология, нотиқлик санъати, ишчанлик мұлоқоти, вақтни бошқариш илми, музокаралар олиб бориш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, таҳлил қилиш, ҳуқук нормаларини құллаш ва шарҳлаш күнімаларини хосил қилишга алохидә ахамият берилади.

Юқорида таъқидлаб ўтганимдек, ўқув жараёнидаги машғулоттарнинг таъсирчан, жонлы ва қызықарлы чиқиши учун дарсларга әңг етүк олимлар, амалиётчилар, шу жумладан, ҳорижлик таниқли мутахассислар жалб қилинади.

Комил СИНДОРОВ, Судьялар олий мактаби директори үринбосари:

— Алохидә таъқидлаш керакки, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси — Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши бежиз әмас. Сабаби, бугунги суд амалиёти таҳлили айрим судьялар томонидан ноқонуний суд қарорлари қабул қилиниши ҳолатлари учраб турғанини күрсатмоқда.

Судьялар олий мактабининг юксак интеллектуал салоҳиятли судья ва суд тизими ходимларини тайёрлаш бүйича фаолияти мамлакатимиздеги суд-хуқук соҳасини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишини таъминлаш, шунингдек, аҳолининг одил судловга бўлган



ишончини сезиларли даражада мустаҳкамлашда муҳим ахамият касб этади.

Ушбу таълим муассасасида дарслар замонавий инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфоал ўқитиши услублари асосида ташкил этилади.

Судьялик лавозимларига номзодларни қабул қилиш 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади.

Бўлажак судьяларни ўқитиши грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга оширилади.

Шуниси дикқатга сазоворки, судьялик лавозимига номзодлар асосий иш жойи бўйича лавозимидан озод қилинади, бироқ уларнинг эгаллаган лавозими бутун ўқиши даври мобайнинда сақланади.

Судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат мазкур курсларда ўқиши мұваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади. Ўқиш дастурини бажармаган ёки таклиф этилган судьялик лавозимини эгаллашни рад этгандар бутун ўқиши даврида олинган стипендия суммасини давлат бюджетига тўлиқ миқдорда қоплаб беради.

Шуни алохидә таъқидлаш керакки, тингловчиларнинг судлар ва ҳуқукни муҳофаза қилувчи органларда, ҳатто ҳорижий давлат-





ларда амалиёт ўташларига кенг эътибор қаратилади.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида Олий мактаб ва унинг ходимларига кенг ваколатлар берилгани, моддий ва ижтимоий таъминоти бўйича судьялар ва суд ходимларига тенглаштирилганини ҳам таъкидлаш лозим.

Ўкув юртида 5 та: фуқаролик ҳукуқи, иқтисодий ҳукуқ, жиноят ҳукуқи, маъмурий ҳукуқ ҳамда касбий кўникмалар кафедралари фаолият кўрсатади.



Мьюша СЕВЕР,
“Минтақавий мулоқот”
халқаро ташкилоти
нинг директори:

– Дунё ҳамжамияти бугунги кунда инсон ҳукук ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бир қанча жиддий муаммолардан ташвиш тортмоқда. Шундай мураккаб бир пайдада, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ҳар бир замонавий демократик давлат, ривожланган жамиятнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан юритилаётган сиёsat, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаати, унинг ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсади ётиби.

Янги ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти ҳам бевосита инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Дилшод АРИПОВ, Судьялар олий мактаби директори ўринbosари:

– Дарҳақиқат, сўнгги йилларда адолатни қарор топтиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш, суднинг нуфузини янада ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлаш мақсадида мамлакатимизда судьялар корпусини шакллантиришнинг принципиал янгича тизими жорий этилди.

Хусусан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, уларни демократик асосда ташлаш ва судьяликка тайинлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиди.

Судьялар олий мактаби бу борада мутлақо янги тузилма ҳисобланади. Мазкур таълим муассасасини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг амалий натижага берадиган ягона тизимини ташкил этиш бўлиб ҳисобланади.

Бунинг учун тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуслари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳукуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратишимииз лозим.

Бундан ташқари, судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳукуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва

тенденциялари билан доимий равища таништириб боришни йўлга қўйиш талаб этилади.

Ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш бевосита Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари тажрибасига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун биз бу жараёнга энг тажрибали ва билимли мутахассисларни жалб этмоқдамиз. Шу мақсадда, Олий мактаб кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилари лавозимига муносиб кадрларни танлаб олиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали танлов эълон қилдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бир йиллик ўқиш даврида номзодларни юксак судьялик лавозимига ҳар томонлама тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида таълимнинг миллий стандартлари ва хорижий давлатларнинг энг илгор тажрибаларидан фойдаланилади. Ўқитишнинг масофавий шакллари кенг қўлланилади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳақли равища кўрсатиб берилаётган суд тизимидағи айрим муаммоларни бартарафа этиш, жуда кўп жиҳатдан бугунги кун талабларига жавоб берадиган судья ва суд ходимларини тайёрлаш билан чамбарчас боғлиқ. Қачонки, судьялар корпуси ҳар томонлама муносиб кадрлар билан шакллантириладиган бўлса, шунда ҳақиқий маънодаги одил судловни амалга ошириш имкони бўлади.




Фотима ИСМОИЛОВА, Судьялар олий мактаби ходими:

– Судьялар олий мактаби ташкил этилиши муносабати билан ўтказилган тадбирда “Жиноят иши бўйича суд муҳокамасини ўтказиш ва суд мажлиси баённомасини юритиш тўғрисида”ги методик қўлланманга тақдимоти ҳам бўлгани ўзига хос манқитий давомийликни кўрсатади. Ушбу қўлланмана бевосита судьялар фаолиятида амалий аҳамият касб этиди.

Суд муҳокамаси давомида текширилган маълумотлар ва ашёлардан суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Шу боис жиноят ишини суд муҳокамасида кўриб чиқиша қонун нормаларига



оғишмай амал қилиш ва суд мажлиси баённомасини түгри юритиш, унда кўрсатилиши лозим бўлган ҳаракатлар ва маълумотларни тўлиқ акс эттириш жиноят ишини судда ҳал қилишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдик, жиноят ишлари бўйича судларда суд мажлиси баённомасини юритишга турлича ёндашув ва бирмунча камчиликларга йўл қўйиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Бундан ташқари, Судьялар олий кенгагиша фуқаролардан келган кўпгина шикоят ва аризаларда айнан суд мажлиси баённомаларидан норозилик, хусусан, суд муҳокамаси давомида сўрок қилинган шахсларнинг кўрсатмалари суд мажлиси баённомасида тўлиқ акс эттирилмаганлиги баён қилинган.

Жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасини ўтказиш, суд мажлиси баённомасини юритиш бўйича талаблар ЖПКнинг турли боб ва моддаларида, шунингдек, Олий суд Пленумининг айрим тоифадаги ишларни кўриш амалиётига оид бир неча қарорларида ўз аксини топган.

Бу эса, ўз навбатида, жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасини ўтказиш, суд мажлиси баённомасини юритиш тартиби юзасидан умумий яхлит тушунтиришлар ва йўл-йўриқларни тайёрлаш заруриятини юзага келтирган эди.



Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, бугунги кунга қадар мазкур масала юзасидан судьялар ва судья ёрдамчилари учун мўлжалланган бундай методик қўлланма тайёрланган эмас.

Шу боисдан ҳам аксарият ҳолларда илк бор судьялик лавозимига тайинланган шахсларда, шунингдек, ҳали иш тажрибаси етарли бўлмаган судья ёрдамчиларида суд муҳокамасини ўтказиш ва суд мажлиси баённомасини юритиш бўйича юзага келадиган айрим масалаларни ҳал қилишда қийинчиликлар кузатилар эди.

Ушбу қўлланма суд амалиётидаги камчilik ва муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади.





Рахимқұл ТОШБОЕВ, Судьялар олий мактаби ходими:

– Суд идорасыга судья ёрдамчиси сифатида ишга олинған янги ходим суд мажлиси баённомасини юритишдан олдин процессынан қонун талаблари ва тегишли Олий суд Пленумы қарорлари билан танишиб чиқиши керак. Күп ҳолларда эса, улар процессынан қонун талаблари бир четда қолиб, ўзи ишләётгән судда шаклланған амалиётта, ўзидан олдин ишлаб келаётгән ходимлар тажрибасыга таянған ҳолда суд мажлиси баённомасини юритиши ҳеч кимга сир әмас.

Тажрибали ва шу билан бирга, пухта билимге әга бўлган шахсдан ўrnak олиш яхши албатта, бироқ қонунларни етарли даражада билмай туриб суд мажлиси баённомасини юритган шахсдан ўrnak олиш, бу борада хато кетидан янги хатолар юзага келишига сабаб бўлади.

Шу сабабли, жиноят ишлари бўйича судьялар ва судья ёрдамчилари учун мўлжалланган методик қўлланма тайёрлаб, унда суд муҳокамасини ўtkазишнинг ва суд мажлиси баённомасини юритишнинг қоидаларини ҳамда ишни судга қадар ва судда юритиш босқичларига тааллуқли бўлган суд мажлиси баённомалари намуналарини акс эттириш мақсадга мувофиқ деган хulosага келдик ва бу ушбу қўлланмада акс эттирилди.

Ушбу методик қўлланмада суд муҳокамасини ўtkазиш ва суд мажлиси баённомасини юритиш қоидаларидан ташқари, ишни судга қадар юритиш босқичида, биринчи

инстанция судида, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари судларида, шунингдек, алоҳида тоифадаги ишларни судда кўриш ҳамда ҳукм, ажрим ва қарорларни ижро этишда юзага келган масалаларни ҳал қилиш босқичида юритилиши лозим бўлган суд мажлиси баённомаларининг намунавий шакллари ҳам берилган.

Шу билан бирга, қўлланмада келгусида йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида суд мажлиси баённомасини юритиш бўйича суд амалиётидан кузатилаётган камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Мазкур қўлланма одил судлов сифатини яхшилашга, судья ва судья ёрдамчиларининг назарий ва касбий маҳоратини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади, деб ҳисоблаймиз.



Тақдимот маросимида маърузачилар томонидан таъкидланганидек, Судьялар олий мактабининг самарали фаолият юритиши учун барча ҳукуқий, моддий ва ташкилий асослар яратилди. Амалиёт нуқтаси назаридан мутлақо янги таълим муассасасининг қандай ишлаши Олий мактаб раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва ходимларига боғлиқ. Улардан алоҳида қатъият, ташаббускорлик ва фидойилик талаб этилади.

Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлadi.



Хусан ТУРСУНОВ,
Қарши туманлараро
иқтисодий суди
судьяси, юридик
фанлари номзоди

СУД ҚАРОРИНИ ЁЗГАН СУДЬЯ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИ ҲАМ ҚҮЛЛАШИ МУМКИНМИ?

Мақола мавзуси ҳақида үйларканман, илк бор қасамәд қабул қилиб, ҳали эндиғина ишни бошлашга киришган бўлсам-да, судьяликдек мashaққатли ва ниҳоятда масъулиятли вазифа — суд қарорини ёзган судья ҳақида гапириш тўғри бўлармикан деган фикрлар хаёлимдан кўп ўтди. Лекин бир сабаб ушбу мақолани айнан шу мавзу билан номлашга туртки бўлди.

Гап шундаки, “Инсон ва қонун” газетасининг 2009 йил 13 октябрдаги сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 60 ёшида ҳам Қашқадарё вилоят хўжалик судининг судьяси этиб тайинланган раҳматли отам Мирза Турсуновнинг “Суд қарорини ёзган судья” номли мақоласи чоп этилган эди. Ўшанда ушбу мақола кўпчилкда катта қизиқиши уйготиб, анчайин ҳуқуқшунослар эътибори ва эътирофини тортган эди. Мен ҳам шундан руҳландимми, мақолани айнан шундай мавзу билан номлашга жазм этдим.

Шу боис, қуйидаги фикр-мулоҳазаларни 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида бир соҳада меҳнат қилиб, умрининг сўнгги дамларигача судьялик номини улууглаган бир ҳуқуқшуноснинг фарзанди, қолаверса, отам ёзган ўша мақоланинг мантиқий давоми сифатида қабул қилишингиизни истардим.



Жаҳон суд-хуқуқ соҳасида энг шарафли, обрўли ва айни пайтда масъулиятли, одил судлов йўли билан адолат ва қонун устуворлигини таъминловчи, фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлишдек халқаро ҳуқуқ билан кафолатланган ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, оддий қилиб айтганда, адолат тарозиси олдида ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ эканлиги ҳақида давлат номидан холис якуний сўзни айтувчи мashaққатли касблардан бири судьяликдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда инсон, жамият учун энг муқаддас қадрият бўлган адолат фақат ва фақат қонун асосида суд ҳукми билан таъминланади. Она тилимиздаги “одил судлов” деган иборада жуда катта маъно бор. Яъни ҳар қандай масалани фақат суд одил ва адолатли ҳал қилиши мумкин. Адолат, ҳақиқат эса баҳсларда, томонларнинг қараш ва ёндашувларини таққослаб, холис ҳукм чиқариш орқали намоён бўлади”.



Дарҳақиқат, Президентимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигига мамлакатимизда барча соҳалардаги каби суд-хуқуқ тизими ни янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ошириш, судлар фаолиятида очиқлик ва шаффоғлини таъминлаш борасида ўзига хос янги давр бошлаб берилди.

Бугун соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришлар, қабул қилинаётган инсонпарвар қонунлар, чинакам мустақил суд ҳокимиятини қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг амалий натижаси ўла-роқ мамлакатимиз халқаро хуқуқнинг тенг хуқуқли субъекти сифатида дунё ҳамжамиятиning ҳақли эътирофи ва эътиборига сазовор бўлмоқда.

Шундай экан, судьялар учун халқаро хуқуқнинг аҳамияти, ўрни ва ўзига хос жиҳатлари нимада, судлар фаолиятига оид халқаро хуқуқ нормалари нималардан иборат, суд қарорларини ёзишда қонунлар билан бирга халқаро хуқуқ нормалари га ҳам таяниш, суд қарорларини халқаро хуқуқий ҳужжатлар билан ҳам асослаш мумкинми?

Бу ҳақда мулоҳаза юритарканмиз, ўқувчиликаримиз ёки ҳамкасларимизда халқаро хуқуқ нормалари давлатлараро муносабатларни тартибига солади-ку, суд қарорини ёзишда қандай қилиб бирор бир халқаро хуқуқ нормасини кўллаш мумкин, ахир барча қонунларимиз халқаро хуқуқ устуворлиги асосида қабул қилинади-ку, Ўзбекистон ратификация қилган халқаро шартномалар миллий қонунчилиқда акс этган-ку, шундай

бўлса ҳам халқаро хуқуқ нормасини суд қарорларида кўрсатиш шартми, деган фикрлар ўтиши табиий.

Тўғри, Конституциямизда халқаро хуқуқнинг умум-эътироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниб, унга кўра халқаро хуқуқ нормалари қонунларимизга изчил ва босқичма-бочқич уйғунлаштирилмоқда. Муайян қонунни қабул қилишдан олдин айни пайтда унинг халқаро шартномаларга мувофиқлиги ҳам албатта ўрганилади.

Лекин “Судлар тўғрисида”ги Қонунда шундай бир норма бор: “Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуqlари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуqlари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган”. Ёки “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Пленум қарорида мустақил ва холис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуqlари умумжоҳон декларациясининг 10-моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро хуқуқ

хұжжатларыда мустақамланғанлығы алоҳи-
да қайд этилған.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Судъяларнинг одоб-ахлоқи кодексида ҳам суд Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари түғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини, шунингдек, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфатларини ҳимоя қилиши лозимлиги, унинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигини доимо ёдда тутиши кераклиги белгиланган.

Жумладан, “Судъяларнинг хулқ-атвори-га оид” Бангалор принципларида судья ин-сон ҳукуқлари бўйича нормалар мустаҳкам-ланган ҳалқаро қонунчиликдан, ҳусусан, ҳалқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжат-лардаги ўзгаришлардан доимо ҳабардор бў-лиши кераклиги, “Ҳукуқнинг устуворлиги ва барқарор ривожланишини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Йоханнесбург принципларида эса миллий, минтақавий ёки универсал да-ражада одил судловни амалга оширувчилар ҳалқаро ва миллий ҳукуқнинг ўзаро мосли-гини, имплементациясини ҳамда ижро эти-лишини таъминлашда ҳал қилувчи ўринда туриши, судьялар миллий ҳукуқ доирасида ҳалқаро шартномаларни тўғридан-тўғри қўллашга ўтишлари лозимлиги эътироф этилган.

Гап халқаро ҳуқуқнинг судлар фаолияти билан боғлиқ ўзига хос жиҳатлари хусусида бораркан, бугунги кунда судъялар томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини қўллаш мумкинлиги бир қатор халқаро шартномаларда бевосита ёки билвосита қайд этилган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 август даги қонуни билан қўшилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-конвенциясинынг 26-моддасида ушбу конвенцияни ратификация қилган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар бир аъзоси уни ўз суверенитети остида бўлган ҳудудда ёки юрисдикциясида қўллашга мажбур эканлиги белгиланган.

Шу билан бирга, 1992 йил 20 марта имзоланган “Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида”ги Киев битими, 1993 йил 22 январда имзоланган “Фуқаролик, оиласвий ва жиноий ишлар юзасидан



хуқуқий алоқалар ҳамда хуқукий ёрдам тұғрисида"ғи Минск конвенцияси ҳамда 1995 йил 22 декабря қүшилган "Хорижий арбитраж ҳал қылув қарорини эътироф этиш ва ижро этиш тұғрисида"ғи Нью-Йорк конвенцияси ушбу йұналишда судлар фаолиятини тартыбға солувчи маңсус ҳалқаро шартномалар ҳисобланади.

Бошқача айтганда, судьялар Киев битими, Минск ёки Нью-Йорк конвенцияси доирасида низоларни күриб чиқында бевосита мазкур ҳалқаро шартномаларға таяниши лозим.

Яна бир жиҳат, миллий қонунчилигимизнинг ҳалқаро хуқуқ билан муносабаттинг үзига хос хусусияти шундаки, ҳалқаро шартномалар нормалари миллий қонунчилік орқали ижро этилади. Яғни, бирор бир ҳалқаро шартномага қўшилдикми, шу ҳалқаро ҳужжат талабларини бажариш мақсадида алоҳида янги қонун қабул қилиниши ё тегишли қонунларга ўзгартериш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мисол учун, "Бола ҳуқуқлари тұғрисида"ғи конвенцияга қўшилишимиз билан "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тұғрисида"ғи қонун, БМТнинг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тұғрисида"ғи конвенцияси ҳамда "Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида"ғи Протоколини ратификация қилишимиз билан "Одам савдосига қарши кураш тұғрисида"ғи қонун қабул қилинди.

"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тұғрисида"ғи ёки "Одам савдосига қарши кураш тұғрисида"ғи қонунларни қабул қилишимизнинг асоси ва сабаби юқоридаги ҳалқаро шартномаларға қўшилганимиз экан, унда нима учун одам савдосига оид жиноят ишларини кўришдаги суд қарорларида мазкур конвенциялар нормаларини кўрсатиб ўтмаслигимиз керак? Мамлакатимиз томонидан ратификация қилинган ёки тан олинган бу каби инсон ҳуқуқларига оид ҳалқаро ҳужжатлар нафақат давлатларнинг, балки, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳам ҳалқаро шартномалари ҳисобланади.

Айтишингиз мумкин, конвенция ёки ҳалқаро шартнома ижросини таъминлаш юзасидан яхлит бир қонун қабул қилинганку, ҳалқаро конвенциянинг асосий қоидалари миллий қонунчилікта тұлық акс этганку, унда суд қарорида буни яна алоҳида кўрсатышнинг нима аҳамияти ва зарурияты бор? Менимча, бунинг қуйидаги мухим омил ва сабаблари бор:



БИРИНЧИДАН, суд Конституция, қонулар ва ҳалқаро шартномалар нормаларини қўллаш орқали одил судлов ўюли билан инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистоннинг ҳалқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи асосий ва ягона органдор;

ИККИНЧИДАН, суд қарорида у ёки бу ҳалқаро хуқуқ нормасининг кўрсатилиши ҳалқаро хуқуқий аҳамиятга эга. Судлар фаолиятида бундай амалиётнинг шаклланиши Ўзбекистоннинг суд-хуқук соҳасидаги обрў-эътиборини ҳалқаро миқёсда янада мустаҳкамлайди;

УЧИНЧИДАН, судлар томонидан ҳалқаро хуқуқ нормасининг қўлланилиши судьянинг масалага ҳалқаро хуқуқ нуқтаи-назаридан ҳам ёндашганлигини кўрсатиб беради.

Энг мухими, суд қарори жамиятда адолат ва қонунийликни таъминлаш билан бирга, айни пайтда, аҳолининг хуқуқий онги ва маданиятини юкландырышдек вазифани ҳам бажаради. Суд қарорини ёзған судья томонидан ҳалқаро хуқуқнинг ҳам қўлланилиши фуқароларнинг ҳалқаро хуқуқий саводхонлигини оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.



Нилуфар ДАДАБОЕВА,
Судьялар олий мактаби
ходими

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ОИД МАЪМУРИЙ ИШЛАРНИ КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ СУД АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Бугунги кунда судлар томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (бундан бўён матнда МЖтК деб юритилади) 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларининг қўлланилиши ва бу борадаги муаммоли масалаларни таҳлил қилиш заруратидан келиб чиқиб, судларга тегишли ўйлланма бериш мақсадида ушбу тоифадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриш амалиёти умумлаштирилди.

МАЙДА БЕЗОРИЛИК (МЖтКнинг 183-моддаси)

Мазкур моддага мувофиқ жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менси-маслик - энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишига ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Бунда Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноий оқибатлар мавжуд бўлмаслиги керак.

Ички ишлар идоралари ходимлари мазкур ҳуқуқбузарлик аниқланганда ёки фуқароларнинг ички ишлар идораларига қилган мурожаатлари бўйича қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли маъмурий-процессуал хужжатларни расмийлаштириб, ўрнатилган тартибда маъмурий жазо чорасини қўллаш учун маъмурий судга тақдим этади.

**Статистик маълумотларга кўра,
2017-2018 йилларда Ўзбекистон
Республикаси МЖтКнинг 183-мод-
даси бўйича маъмурий жазо тайин-
лаш амалиёти қуйидагича:**

2018 йилда 53527 шахсга

нисбатан 37945 иш (2017 йилда 46111 шахсга нисбатан 31527 иш)

кўрилиб, 36555 шахсга нисбатан

28116 иш (2017 йилда 30498 шахсга нисбатан 22665 иш) **бўйича жазо**

қўлланилган, шундан:

21186 (2017 йилда 17133) шахсга нисба-
тан жарима жазоси белгиланган;

15369 (2017 йилда 13365) шахсга нисба-
тан маъмурий қамоқ жазоси тайинланган;

13817 (2017 йилда 10750) шахсга нисба-
тан МЖтКнинг 33-моддаси қўлланилган;



16973 шахсга нисбатан 11083 иш (2017 йилда 15613 шахсга нисбатан 8862 иш) туга-тилган, шундан:

МЖтКнинг 21-моддасига асосан 12715 (2017 йилда 12487) шахсга нисбатан иш туга-тилган.

Судлар томонидан МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларининг қўлланилиши ва бу борадаги муаммоли масалалар таҳлил қилинганда қўйидагилар аниқланди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 2-бандида майда безорилик жамоат жойларида уятли сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш, беҳаё қиликлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлиқ қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини очиқдан-очиқ менсимаслик ҳаракатларида ифодаланиши;

13-бандида эса, оиласда, уйда қариндош-уруг, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиқсан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз ҳатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса, шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Maxsus қисмининг тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунириш берилган.

Маъмурий суд судьясининг 2018 йил 16 октябрь кунги қарорига кўра, Г. М. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиқда айбланиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари миқдорида 552.900 сўм жарима жазоси тайнланган.

Иш хужжатларига кўра, Г. М. 2018 йил 3 октябрь куни соат таҳминан 19.30ларда Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Яккатол 3-тор кўчаси 11-ййнинг ичидаги турмуш ўртоғи Ш.Т. билан жанжаллашиб, уни турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилган ҳолда кўпол муносабатда бўлиб, ўз ҳаракатлари билан жамоат тартиби ва фуқароларнинг тинчлигини бузганлиги кўрсатилган.

Туман маъмурий суди раисининг 2018 йил 4 май кунги қарорига кўра, фуқаро Х. С. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган



ҳуқуқбузарликни содир этганлиқда айбланиб, МЖтКнинг 33-моддасини қўллаб, энг кам ойлик иш ҳақининг 1/2 қисми миқдорида, яъни 86.120 сўм жарима жазоси тайнланган.

Иш хужжатларида, Х. С. 2018 йил 17 априль куни маст ҳолда кўл телефони орқали таниши Г. Р. ни ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, майда безорилик содир қилганилиги кўрсатилган.

Туман маъмурий суди раисининг 2018 йил 12 сентябрь кунги қарорига кўра, Ч. Ж. ва И. Д. лар Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиқда айбланиб, МЖтКнинг 21-моддасини қўлланган ҳамда маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилганлар.

Иш хужжатларига кўра, Ж.Ч. 2018 йил 11 июль куни фуқаро С. Н.нинг телефон рақамига қўнгироқ қилиб, уни телефон орқали ҳақорат қилганлиги, Д. И. эса С. Н.нинг шаънига доғ туширувчи гапларни тарқатганилиги кўрсатилган.

Суд мазкур ишларни кўриш жараёнинда ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатида жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигига аҳамият бермаган, маъмурий кодекснинг бошқа моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса-да, уларнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасидан маъмурий кодекснинг бошқа моддаларига малакалаш ва маъмурий ишлар бўйича қўшимча суриштирив ҳаракатларини ўтказиш чораларини кўрмай, хатоликка йўл қўйган.

Худди шундай ҳолатни М. М.га оид, А. А.га оид, С. Р.га оид, Б. Ш.га оид, З. О. ва К. О.ларга оид маъмурий ишларда ҳам учратиш мумкин.

Айрим ҳолларда судлар томонидан ҳуқуқбузарларга маъмурий жазо чоралари нотўғри қўлланаётганлиги ҳамда ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларида МЖтКнинг бошқа моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса-да, мазкур ҳолатга умуман эътибор берилмаётганлик ҳолатлари учрамоқда.

Масалан, маъмурий суд раисининг 2018 йил 9 августда Х. Ж.га нисбатан чиқарган қарорида, Х. Ж. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси, 194-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарларни содир этган деб топилиб, Х. Ж.га Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан 14 сутка маъмурий қамоқ жазоси, 194-моддасининг 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари микдорида, яъни 184.300 сўм жарима жазоси тайинланган. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 34-моддасини қўллаб, тайинланган жазоларнинг енгилини оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси берилган.

Маъмурий суд судьясининг 2018 йил 26 сентябрдаги қарорига кўра, Х. Б. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарларни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Б. Х. 2018 йил 20 август куни соат тахминан 23.00ларда Бувайда тумани, Ойдинкўл қишлоғида яшовчи собиқ қайнонаси О. К.нинг яшаш хонадонига девор ошиб кириб, уни уятли сўзлар билан

сўкиб, бақир-чакир қилиб, безорилик ҳаракатини содир этганлиги кўрсатилган.

Туман маъмурий суди судьясининг 2018 йил 5 июндаги қарорига кўра, А. Р. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарларни содир этганликда айбланиб, унга нисбатан 3 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Р. А. 2018 йил 3 май куни соат тахминан 21.00ларда Риштон тумани, Қошқайрон МФЙ, Новобод кўчаси 5-үйда яшовчи қайнонаси О. Б.нинг хонадонига деворнинг бузилган жойидан кириб, у ерда турмуш ўрготи ва қайноасини уятли сўзлар билан сўкиб, бақир-чакир қилиб, безорилик ҳаракатини содир этганлиги кўрсатилган.

Мазкур ҳолатларда маъмурий ишни кўриб чиқкан судьялар томонидан ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 45-моддасида кўрсатилган “Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш” ҳуқуқбузарлик аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун бирон-бир ҳаракатлар амалга оширилмаган.

Бундан ташқари, судлар томонидан шу турдаги ҳуқуқбузарларни кўришда томонларга етказилган мулкий заарларни ундириш масаласини кўриб чиқишда ҳам бир қанча камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Хусусан, маъмурий суд раисининг 2018 йил 15 майдаги қарорига кўра, А. М. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси ва 194-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарларни содир этганликда айбланиб, МЖтКнинг 34-моддаси қўлланилган ва унга нисбатан 5 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

Иш ҳужжатларига кўра, М. А. 2018 йил 15 май куни соат 10.05 ларда Қўқон шахри болалар шифохонаси худудида маст ҳолда бўла туриб, шифохона ходимларини уятли сўзлар билан сўкиб, бақир-чакир қилиб юрган вақтида, воқеа жойига етиб келган ИИБ ходимларининг қонуний талабларини бажармасдан, уларнинг хизмат автомашинаси ойналарини оёқлари билан тепиб синдиригани кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, А. М., М. Н. ва Н. Х.лар 2018 йил 25 январь куни соат 21.00ларда Сардоба тумани, Кўйитош МФЙ худудида жойлашган чойхонада маст ҳолда бўла туриб, чойхона эгаси Р.Юсуповни уятли сўзлар билан сўкиб, бақир-чакир қилиб, чойхона анжомларини синдиришгани кўрсатилган.



Бироқ судлар томонидан манфаатдор томонларга етказилган заарлар миқдорини аниқлаш ва уларни хукуқбузарлардан ундириш чораларини кўриш учун бирон-бир ҳаракатлар амалга оширилмаган.

Худди шундай камчиликни А. А.га оид, Г. С.га оид, А. М.га оид, Б. А.га оид, С. Р.га оид, Х. С.га оид, И. Б.га оид, М. М.га оид маъмурий ишларда ҳам учратиш мумкин.

МЖтКнинг 324³-моддасига асосан маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан кассация шикояти (протести) суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан бир ой ичida, 2018 йил 21 июль кунидан эса икки ой ичida берилиши мумкин.

Туман маъмурий суди судьясининг 2018 йил 6 мартағи қарори билан М. Б. худди шу судьяниң 2018 йил 13 мартағи қарори билан Х. Х. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган хукуқбузарликларни содир этганиллари учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Лекин суд қарорида ундан норози бўлган тақдирда тарафлар суд қарори нусхасини олган кундан бошлаб 10 кун ичida кассация шикояти келтириши мумкинлиги қайд этилган.

Туман маъмурий суди судьясининг 2018 йил 13 сентябрдаги қарори билан Ш. С. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган хукуқбузарликни содир этганиллиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган. Бироқ суд қароридан норози бўлган тақдирда тарафлар суд қарори нусхасини олган кундан бошлаб 10 кун ичida кассация шикояти келтириши мумкинлигини қайд этилган. Бу билан тарафларнинг суд қароридан норози бўлган тақдирда кассация тартибида шикоят келтириш муддати чеклаб кўйилган.

Мазкур турдаги маъмурий иш ҳужжатларида жабрланувчиларга тан жароҳати етказилганлик ҳолатлари мавжуд бўлса-да, судлар томонидан бу ҳолатга эътибор берилмасдан маъмурий ишлар кўриб юборилаётганилиги аниқланди.

Туман маъмурий суди судьясининг 2018 йил 25 сентябрдаги қарорига кўра, О. З. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан хукуқбузар деб топилиб, МЖтКнинг 21-моддасига асосан огоҳлантирилган, О. К. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан хукуқбузар деб топилиб, МЖтКнинг 33-моддаси қўлланнилиб, энг кам ойлик иш ҳакининг 1 баравари миқдорида, яъни 184.300 сўм жарима жазоси тайинланган.



Иш ҳужжатларига кўра, З. О. 2018 йил 10 август куни соат 21.30ларда уйига маст ҳолда келган турмуш ўртоғи К. О. билан жанжаллашиб кетиб, бир-бирларини сўкиб, бақир-чақир қилишган. Натижада К. О. турмуш ўртоғи З. О. ни уриб, тан жароҳати етказган.

Бироқ, маъмурий ишни кўриб чиқкан суд З. О.ни суд-тиббий экспертизасидан ўтказиш ва унга қандай тоифадаги тан жароҳати етказилганлигини аниқлаш борасида бирон-бир ҳаракатларни амалга оширмаган. Шунингдек, ўрганиш жараёнида судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатларни нотўғри қўллаш амалиёти мавжудлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси МЖтК 36-моддасининг 1-қисмига асосан маъмурий жазо хукуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўллалиши мумкин.

Ушбу модданинг 2-қисмида эса алоҳида норма назарда тутилган бўлиб, унга кўра маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишини рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланиши мумкин.

Бироқ, судлар қонунда назарда тутилган ушбу талабларга риоя қилмай, маъмурий иш юзасидан суриштирув органи томонидан жиноят иши қўзғатишини рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса-да, иш материалларини айнан шундай қарор қабул қилинганилиги ва жазога тортишнинг бир ойлик муддати ўтганилигини кўрсатиб, маъмурий иш МЖтК

271-моддасининг 7-бандига асосан асосиз тугатилган.

Масалан, туман маъмурий суди судьясининг 2018 йил 7 июндаги қарорига кўра, С. А.га нисбатан бўлган маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси МЖтК 36-моддасида назарда тутилган бир ойлик муддат ўтганлиги сабабли маъмурий жазо тайинланмай, МЖтКнинг 271-моддаси 7-қисмига асосан нотўғри тугатилган.

Иш хужжатларидан кўринишича, А.С. 2018 йил 19 январь куни турмуш ўртоғи Н.С.ни ножӯя сўзлар билан ҳақоратлаб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, майда безорилик содир этганлиги учун туман ИИБ томонидан МЖтКнинг 183-моддаси билан маъмурий иш хужжатлари туман судига 2018 йил 7 июнда юборилган. Туман ИИБ томонидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган, бундай қарор маъмурий иш хужжатларида ҳам мавжуд эмас.

Туман суди эса ушбу ҳолатларга умуман эътибор бермасдан, маъмурий жазо қўллаш учун МЖтК 36-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган бир йиллик муддат ўтмаган бўлишига қарамай, иш бўйича 2018 йил 19 февраль куни жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу билан МЖтК нинг 36-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган бир ойлик муддат ўтган деб ишни тугатиш ҳақида нотўғри қарор чиқарган. Маъмурий иш хужжатларида фақатгина 2018 йил 19 февраль санаси билан туман ИИБ профилактика инспектори К. Н.нинг фуқаро Н. С. аризаси юзасидан

тузилган хulosасигина мавжуд. **Судья эса профилактика инспекторининг маъмурий иш бўйича тузган хulosасини жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор деб ҳисоблаб, иш бўйича қонунга зид қарор қабул қилган.**

Ўрганиш жараёнида баъзи маъмурий ишлар юзасидан суд мажлиси баённомаси котиб томонидан нотўғри юритилаётганлиги аниқланди.

Туман маъмурий судининг раиси томонидан 2018 йил 4 октябрь куни А. А.га нисбатан чиқарилган қарорда А. А. Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси ва 194-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликларни содир этганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, мазкур маъмурий иш юзасидан юритилган суд мажлиси баённомасида А. А. фақатгина МЖтКнинг 183-моддасида кўрсатилган хуқуқбузарликни содир этганлиги кўрсатилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Шаҳар маъмурий судининг раиси томонидан 2018 йил 9 август куни Х. Ж.га нисбатан кўриб чиқилган маъмурий иш юзасидан юритилган суд мажлиси баённомасида хукуқбузар ва жабрланувчиларга МЖтКнинг 294-моддасидаги хукуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳолбуки, мазкур моддада фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг хукуқ ва бурчлари тушунтирилган.

Худди шундай ҳолатни Х. Н., Н. М. ва А. М.ларга оид маъмурий ишларда ҳам учратиш мумкин.

Бундан ташқари, аксарият маъмурий судлар томонидан қабул қилинган суд қарорлари қонуний кучга киргач, қарор нусхалари тегишли тартибда ички ишлар орғанларига маълумот учун юборилганлиги ва Ф-6 карточкалари тегишли маълумотлар киритилган ҳолда ички ишлар идораларига юборилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Таҳлил натижалари ҳамда суд амалиётида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, маъмурий судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликларни кўриш бўйича қонунчилик нормаларининг кўлланилиши жараёнида айнан бир хил хато ва камчиликларга йўл қўйиб келинаётганлигини кўрсатади. Шу жумладан, МЖтК талаблари ва Олий суд Пленуми қарорларининг тушунтиришларига риоя қилинмаётганлиги, МЖтКнинг 183-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликларга оид аксарият маъмурий ишлар юзаки кўриб чиқилганлиги, жазо

Судьялар ўз ишлари – қонунларни пеш қилмай, уни изоҳлаш эканини унутмасликлари керак.

Ф.БЭКОН

Агар сен одил судья бўлишини истасанг, қораловчига эмас, ишининг ўзига қара.

ЭПИКЕТ

тайинлаш амалиётида ҳам хатоликларга йўл қўйилганлиги, уларга йўл қўйган идораларга аниқланган процессуал камчиликларни бартараф этиш ва келгусида йўл қўймаслик чораларини кўриш юзасидан тегишли тақдимномалар киритилмаганлиги, Тадқиқот маркази томонидан тайёрланган "Маъмурӣ судларнинг процессуал ҳужжатлари намуналари" электрон ҳамда китоб шаклида ҳудудларга юборилган бўлишига қарамасдан, улардан амалиётда фойдаланилмаётганлиги аниқланди. Келажакда мазкур тоифадаги ишларни кўришда юқорида таъкидлаб ўтилган хатоларга йўл қўймаслик ва ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда қонун нормаларини такомилластириш юзасидан кўйидагилар таклиф этилади:

биринчидан, МЖтКнинг 183-моддасида кўрсатилган ҳукуқбузарликларни содир эттаётган шахсларнинг аксарияти муқаддам ҳам бир неча маротаба ҳудди шу турдаги ҳукуқбузарликларни содир этиб, уларга тегишли жазо чоралари қўлланилган бўлса-да, бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармай бир йил давомида тақроран шу турдаги маъмурӣ ҳукубузарликларни содир этиб келаётганликлари аниқланган. Шу боис, МЖтКнинг 183-моддасини иккичи қисм билан тўлдириб, ҳудди шундай ҳукуқбузарликларни бир йил ичida тақроран содир этган шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурӣ қамоқقا олишни назарда тутувчи санкцияни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 2-банди талабларидан келиб чиқиб, майда безорилик мазмунига кўра, ушбу ҳукуқбузарлик жамоат жойларида уятели сўзлар айтиш ёки шундай сўзлар билан сўкиниш, беҳаё қиликлар кўрсатиш ёхуд одамларга нисбатан ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталигини бузиш каби жамиятда юриш-туриш қоидаларини очикдан-очик менсимаслик ҳаракатларида ифодаланганлиги боис, эр-хотин ва яқин қариндошлар ўртасида ўз хонадонларида юзага келадиган келишмовчиликлар ва ҳақорат қилиш ҳолатларини Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 183-моддаси билан эмас, балки 41-моддаси ва бошқа моддалари билан малакалаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, МЖтКнинг 305-моддасида 183-моддаси билан боғлиқ ҳукуқбузарлик-

лар ҳақидаги ишлар бир сутка мобайнida кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, бу муддат шу тоифадаги маъмурӣ ишларни қонун нормалари асосида кўриб чиқиш учун етарли эмас. Чунки текширув жараёнида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқилса, мазкур турдаги ишларни кўришда жабранувчиларга етказилган зарарни аниқлаш, томонлар адвокат хизматидан фойдаланиш учун муддат беришни сўраган вактларида уларга бундай муддатларни бериш ҳамда ҳукуқбузарлар судга келишдан бош тортган тақдирда уларни мажбурий тартибда олиб келиш учун бу муддат камлик қиласди. Шу сабабли, МЖтКнинг 183-моддаси билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриш муддатини 10 кунга узайтириш лозим бўлади.

Учинчидан, жиноят қонунчилигига ярашув институти мавжуд бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси МЖтКда ярашув институти мавжуд эмас. МЖтКнинг 183-моддаси ва айрим моддаларига ярашув институтини жорий этиш ва унинг механизмини қонунчилика мустаҳкамлаб қўйиш ҳамда ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда ҳукуқбузарлик оқибатида етказилган зарарнинг қопланиши мажбурийлиги белгиланмасдан, жабрланувчининг даъводан воз кечганлиги, ҳукуқбузарни ке-чирганлиги ва ўзаро ярашганлиги асос қилиб олиниши, ярашиш билан боғлиқ ишларни дастлабки суриштирув органига, агар тарафлар ярашувни суд тасдиқлаши ҳақида ариза тақдим этсалар, судларда ишларнинг кўриб чиқилишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.





ТАКАФУЛ-СУГУРТА: ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ ВА КЕЛАЖАК

Қамариддин Қўлдошев,

Тошкент молия институти докторантси, иқтисод фанлари номзоди

Аннотация: Мақолада муаллиф томонидан ўзаро сувуртанинг модификациялашган шакли ҳисобланган тakaful-сувуртанинг пайдо бўлиши, дунё мамлакатларида кўлланиш ҳолати ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилган ва ушбу сувурта шаклини Ўзбекистонда кўллаш ҳамда шу билан бирга, Ўзбекистон молия бозорида ислом молия институтлари фаолиятини йўлга кўйиш орқали Осиё мамлакатларидан инвестицион маблағлар жалб қилиши масалалари тўғрисида фикр юритилган.

Калит сўлар: тижорат сувуртаси, ўзаро сувурта, тakaful-сувурта, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи.

Аннотация: В данной статье автором даны сведения о модифицированной форме взаимного страхования – тakaful-страхования, о его возрождении и применении государствами мира и его особенностях, кроме того даны предложения о применении этой формы страхования в Узбекистане и привлечении инвестиционных средств Азиатских государств путем открытия исламских финансовых институтов в Узбекистане.

Ключевые слова. коммерческое страхование, взаимное страхование, тakaful-страхование, шариатские стандарты, исламские права.

Abstract: In this article, the author provides information about the modified form of mutual insurance – Takaful-insurance, its revival and the use of states of the world and its features, in addition given views on the application of this form of insurance in Uzbekistan and the attraction of investment funds of Asian states by opening Islamic financial institutions in Uzbekistan.

Keywords. Commercial insurance, mutual insurance, takaful-insurance, sharia standards, Islamic rights.

Кириш

Ислом ҳуқуқшунослари ўртасида тижорат сувуртасининг шариат қоидаларига тўғри келиш ёки келмаслиги тўғрисида мунозаралар бўлиб келган ва бу мунозараларнинг моҳияти дунё олимлари томонидан ўрганилган. Ушбу масалага аниқлик киритиш ислом ҳуқуқшуносларига юклатилган бўлиб, улар томонидан қилинган хulosаларга кўра ўзаро сувурта ўз хусусиятларига кўра ислом ҳуқуқшунослари ўртасида эътиrozларга сабаб бўлмади ва натижада ушбу сувурта шаклини кўллашга рухсат этилган* ва ҳатто маҳсус фатво билан кўллаб-кувватланган.

Тижорат сувуртасига нисбатан ислом ҳуқуқи томонидан таъқиқ қўйилишига ушбу шартномаларда Қуръонда таъқиқланган қўйидаги элементларнинг мавжудлиги сабаб бўлган:

- 1) гарар (арабчадан ноаниқлик ёки мавхумлик);
- 2) майсир (араб тилидан хумор (азарт));
- 3) риба (араб тилидан судхўрлик).

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ислом сувуртаси тўғрисида кўпгина дунё олимлари таҳлиллар олиб боришган ва улар томонидан турлича хulosалар қилинган. Шундай тадқиқчилардан бири россиялик Р. И. Беккин диссертация ёзган ва ушбу диссертацияни у 2003 йилда Москвада ҳимоя қилган бўлиб, мазкур илмий иш “Ислом ҳуқуқида сувурта: назария ва амалиёт” (“Страхование в исламском праве: теория и практика”) деб номланади.

Тakaful-сувуртани сувуртанинг алоҳида шакли сифатида эътироф этиш мумкинми, ёки ўзаро сувуртанинг бир кўриниши деб

* Хартумда (Судан) 1978 йилдаёт Ислом конференцияси ташкилоти таркибида ўзаро сувурта масалалари бўйича институт ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси рухсат этилган сувурта турларини тартибида солишдан иборат.

қабул қилиш мүмкінми деган савол туғилади. Бу саволга олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган. Масалан, Россиялик олим С.Г.Скакун тақафул-сұгуртани өч қандай шак-шубхасиз үзаро суғурта деб атайды.¹

Р. И. Беккиннинг фикрига кўра тақафул-сұгурта үзаро суғурта шаклида ҳам, тижоратга асосланған суғурта шаклида ҳам намоён бўлиши мүмкін. У тъкидлайдики, ислом вариантидаги тақафул-сұгуртада амал қўлувчи муносабатлар тизими, ушбу суғуртани тўғридан-тўғри үзаро суғурта ёки тижорат суғуртасига киритиш имконини бермайди. Алоҳида олинган мамлакатда ишчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланганлик дараҷасидан келиб чиқиб, тақафул-сұгурта үзаро суғурта ёки тижорат суғуртаси шаклини олиши мүмкін.² Аммо ушбу фикрга нисбатан муаллиф томонидан бир ҳолатга аниқлик киритилмаган, яъни тақафул-сұгуртани қайси алоҳида ҳолатлари бўйича ва қандай белгиларига асосан үзаро суғурта ёки тижорат суғуртасига киритиш мүмкін.

Яна бир россиялик тақафул тадқиқотчиси Э. Гильманов тақафулнинг иккита моделини ажратиб кўрсатган:³

- нотижорат тақафул;
- инвестицион фаолият элементларига эга бўлган тақафул.

Унинг фикрига кўра, иккинчи модель икки алоҳида ва шу билан бирга үзаро боғлиқ таркибий қисмлардан: тақафул-оператор ва тақафул-компаниялардан ташкил топган. Биринчи модел ширкат ёки фонд шаклидаги ягона юридик шахсни үзида мужассамлаштиради. Уни бошқариш ташкилотчилар ёки унинг эгалари томонидан амалга оширилади.

Р. И. Беккин шундай дейди: тақафул – суғурта маҳсулоти эмас, балки суғурта тизимининг муқобилидир.⁴

Бизнинг фикримизча, тақафул бу үзаро суғурта шаклининг модификациясидир. Бу модификациянинг үзига хос хусусияти, үзаро суғуртадан фарқли ўлароқ, тақафул-сұгуртада бадаллардан тўплланган маблагларнинг иккита алоҳида қисмга – суғурта фонди ва инвестиция фондларига ажратилишида бўлиб, шу асосда суғурталанувчи суғурта ҳодисаси юз бермаган ҳолатда суғурта фондидан қоплама олмаса-да, инвестиция фонди даромадидан улуш олишидадир.

Тадқиқот методологияси

Мазкур маколада тақафул-сұгуртанинг моҳиятини очиб бериш, унинг үзаро суғуртага ҳамда тижорат суғуртасига ўхшашлик ва фарқли жиҳатларини аниқлаш мақсадида дунё олимларининг бу борадаги тадқиқотлари ўрганилди ҳамда ушбу суғурта шаклининг дунё мамлакатларида амалдаги кўлланиш ҳолати таҳлил қилинди. Мазкур таҳлилларни амалга оширишда таққослаш, мантиқий таҳлил усуулларидан фойдаланилди.



Таҳлил ва натижалар

Тижорат суғуртаси шартномаларини тузишга йўл қўйиш ёки йўл қўймаслик масаласи алоҳида ислом давлатлари ҳукуматлари томонидан кўриб чиқилган. Унга кўра, 1972 йил 15 июнда Малайзия фатволар бўйича миллий қўмитаси ҳаёт суғуртаси шартномаларига нисбатан шундай қарорни қабул қилган: “...хозирги пайтда суғурта компаниялари томонидан амалга оширилаётган ҳаёт суғуртаси шартномалари ҳақиқий бўлмаган битимлар категорисига киради, чунки улар шариат томонидан шартномаларга нисбатан қўйилган талабларга қарама-қарши ҳисобланади”.

Үзаро суғурта ва ислом дини: қарама-қаршиликларнинг ечилиши.

Суғуртанинг шариат қонунларига зид хусусиятлари тўғрисидаги фатво ислом конференцияси ташкилоти томонидан 1985 йилда чиқарилган “Суғурта ва қайта суғурта тўғрисида”ги фатводир. Ушбу фатво билан анъанавий тижорат суғуртасига муқобил сифатида мусулмон давлатларида “ҳамкорлик тўғрисидаги шариат аҳкомларига мос равишда хайрия ва үзаро ёрдам принципларига асосланган” суғурта тизими ривожлантириш тавсия этилган. Шу мақсадда нуфузли ислом ҳуқуқшунослари томонидан үзаро суғурта қарама-қаршиликлардан холи бўлган, эркин суғурта сифатида амалиётга жорий қилишга тавсия этилган.

Тақафул ёки ислом суғуртаси – бу үзаро ёрдам (таавун) принципига асосланган ва ихтиёрий бадаллар (табарру) ҳисобидан ташкил этиладиган, ихтиёрийлик асосида бирлашган иштирокчиларнинг таваккалчиликлар бўйича жавобгарликларни ўртада тақсимлашни кўзда тутувчи тизимдир. Тақафул ислом ҳуқуқи принципларига мос келувчи, үзаро суғуртанинг модификациялашган шакли ҳисобланади. Тақафул суғурта араб тилида “үзаро кафолатни тақдим этиш” деган маънени билдиради.⁵

Хозирги даврда тақафул-сұғурта номи билан ислом принциплари асосида фаолият юритувчи сұғурта ташкилотлари дунё сұғурта бозорида ривож топиб бормоқда. Дунё бозорларыда тобора равнақ топиб бораётган ислом молия институтлари факатгина сұғурта институтлари эмас, балки ислом банклари ва молиявий-инвестиция компаниялари ҳамдир. Ислом молия институтлари буғунғи замонавий күринишда фаолият күрсатаётган ёш тармоқ бўлишига қарамасдан, тезлик билан ривожланмоқда ва дунё бўйлаб кенг жойлашиб бормоқда. Бу ривожланиш, айниқса, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Қатар, Бруней, Судан ва Қувайт мамлакатларида юқори ҳисобланади. Буғунғи кунда дунёning 75 мамлакатида 300 дан ортиқ ислом банклари фаолият кўрсатмоқда.

Дунё мамлакатларида фаолият кўрсатаётган ислом молия институтлари таркибида молиявий ва инвестиция компаниялари энг юқори ҳажмни, ислом банклари ва банк ойналари кейинги ўринни ва учинчи ўринни тақафул-компаниялар ва ислом сұғурта ойналари ташкил этмоқда. Standard & Poor's агентлигининг маълумотларига кўра ислом молия институтлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми 1 трлн. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этмоқда.

Мазкур институтларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, ушбу хусусиятлар сифатида кўриладиган фойдадан иккала томон ҳам бирдай манфаатдор ва ўз ўрнида кўриладиган зарар учун ҳам иккала томон бирдай жавобгардир. Иккинчи хусусият, ислом молияси пулдан пул ҳосил қилишни (фоиз) таъқиқлайди. Ушбу таъқиқ анъанавий тарзда риба деб аталади. Учинчи хусусият, спекулятив фаолият ва битимларда ноаникликларга йўл кўйилиши таъқиқланади, хусусан, баҳо ва тўлов шартларида. Тўртинчи хусусият, шариат томонидан таъқиқланган фаолият турларини

амалга оширишга йўл қўйилмайди, яъни алкоголь, тамаки ва чўчқа гўшти маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш. Бешинчи хусусият, амалга оширилаётган битимлар мавжуд активларга асосланган ёки активлар билан таъминланган бўлиши талаб этилади. Шундай қилиб, ислом молияси реал иқтисодиётга асосланади. Шу билан бирга, ислом молияси ҳам текинга тақдим этилмайди ва у ҳам қиймат, талаб ва таклиф қонунларига асосланади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ислом молия хизматлари диний мансублигидан қатъий назар барчага кўрсатиласди.

Маълумотларга кўра, тақафул-сұғурта ilk марта 1979 йилда Суданда ташкил этилган. 1983 йилда фуқаролик кодекси орқали ушбу сұғуртанинг ҳукуқий асоси яратилган ва босқичма-босқич ислом молиясининг монистик моделига ўтила бошланган. Ушбу модель шариат қонунларига зид бўлган ҳар қандай молиявий муносабатни таъқиқлаган. 2003 йилга келиб, сұғурта ва тақафул тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши билан сұғурта соҳасининг қонуний базаси тўлиқ яратилди. 2014 йил ҳолатига кўра Суданда 13 та тақафул-компания мавжуд бўлиб, уларнинг энг йириги Shiekan Insurance Co. ҳисобланади ва ушбу компания мамлакатда тўпланаётган жами сұғурта мукофотларининг ярмини тўпламоқда.⁶

Дунё миёсида ислом сұғуртасининг ўсиши йиллик 25 фойизи ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич тижоратга асосланган сұғуртадан анчагина юқоридир. Тақафул-сұғурта буғунғи кунда дунёning қирқча яқин давлатларида амал қилмоқда.

XX асрда бу фаолият мусулмон давлатлари ва баъзи Шарқ мамлакатларида ривожлана бошлади. Кейинчалик ушбу сұғурта шаклига асосланган сұғурта маҳсулотларини тижоратга асосланган сұғуртани амалга оширувчи сұғурта ташкилотлари ҳам ўз мижозларини кўпайтириш ва дунё бозорларини эгаллаш мақсадида таклиф эта бошладилар.

Тақафул-сұғурта жамиятлари томонидан инвестицияга йўналтириладиган маблағлар шариат таъқиқланмаган соҳаларга жойлаштирилади. Тақафул-сұғуртанинг яна бир ўзига хос жиҳати, ушбу жамиятлар томонидан кўрсатиладиган сұғурта хизматлари ҳамда уларнинг инвестицион фаолияти шариат бўйича маслаҳатчилар (Shar’ia advisors) томонидан кузатиб борилади ва шу асосда шариат қоидаларига мос келмайдиган хизматларнинг кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

XX асрнинг сўнгги йилларида дунёning кўплаб мамлакатларида ўз филиалларига эга бўлган Европа ва Американинг баъзи сұғурта ташкилотлари мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакат ва ҳудудларда мижозларга тақафул-сұғурта маҳсулотларини таклиф қила бошладилар. Бундай сұғурта маҳсулотлари яқин-яқинда пайдо бўлганлигига қарамасдан, уларнинг илдизи бундан 1400 йиллар олдинги давларга бориб тақалади.⁷

Ўзаро сұғуртада юқорида келтирилган, тижоратга асосланган сұғуртага хос бўлган учта хусусият



йўқолади, яъни ўзаро суғуртанинг ўзига хос хусусияти бўлган суғурталанувчининг бир вақтнинг ўзида ҳам суғуртчи эканлиги. Бу эса ушбу жамият фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларнинг ва хусусан, молиявий аҳволи, амалга оширилаётган бизнес-жараёнларнинг унга маълум эканлиги "ноаниқлик" хусусиятини йўқотади, ушбу хусусиятнинг йўқолиши ўз-ўзидан "ортиқча қизикиш" (азарт) хусусиятининг ҳам йўқолишига олиб келади. Ўзаро суғуртада судхўрлик элементларининг бор ёки йўқлиги масаласига келсак, ўзаро суғурта аъзоларининг бир-бирига бўлган алоҳида муносабати, суғурта фондининг алоҳида хусусияти, яъни ўзаро бир-бирига ёрдамга асосланганлиги мазкур тушунчдан йироқ эканлигини кўрсатиб турибди (ЎСЖнинг нотижорат шаклда эканлиги).

1-жадвал

Такафул-суғурта хизматларининг асосий қисми кўрсатилаётган малакатларда суғурта тармоқлари бўйича ҳолат

Мамлакатлар	Умумий суғурта	Умумий тakaful	Ҳаёт суғуртаси	Оилавий тakaful
Саудия Арабистони	71%	9%	17%	3%
Бахрайн	59%	25%	11%	5%
Қатар	84%	13%	1%	2%
Малайзия	33%	5%	55%	7%
Қувайт	69%	14%	12%	5%
БАА	68%	6%	23%	3%
Уммон	80%	8%	11%	1%

Такафул-суғурта орқали тўпланаётган маблағларнинг асосий қисми Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳисобланган Малайзия, Индонезия ва Брунейга, Жанубий Осиёда Бахрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, БАА ва Саудия Арабистони, Африкада Судан, Миср, Кения, Гамбия ва Тунисга ҳамда бошқа бозорлар Бангладеш, Покистон, Туркия, Шриланка, Сурия, Яман ва Иорданияга тўғри келади.

Албатта, ушбу мамлакатларда умумий суғурта тармоғининг ҳиссаси юқори бўлиб, бунинг сабаби ҳалқаро савдо ва бошқа ҳалқаро хизматларда умумий суғурта хизматларидан фойдаланилганлиги.

Мусулмон давлатларида (acosan араб давлатларида) асосий шакл сифатида, Америка ва Европа давлатларида асосий шакл ёки тижорат суғуртасига қўшимча сифатида такафул-суғурта шаклидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, такафул-суғуртани амалга ошириш учун мазкур мамлакат қонунчилигига ўзгартириш киритишга зарурат йўқ. Аммо суғурта фаолиятини амалга оширишда муваффакиятга эришмоқчи бўлган компания албатта ўша жойнинг миллий ва диний қадриятларини ҳисобга олиши керак. Мисол тариқасида Қозогистон Республикасининг исломий



молиялаштириш бўйича тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Қозогистонда бу борадаги ишларнинг жонланишига ушбу мамлакатда қабул қилинган "Суғурта масалалари ва исломий молиялаштириш масалалари билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши асос бўлди⁸. Шу асосда ва давлатнинг ёрдамида ушбу мамлакатда ислом молия институтлари ва тakaful-компаниялар фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу мамлакатда тakaful-суғуртанинг ўсиш даражаси, аниқланган талабни ҳам ҳисобга олганда 35 фоиз, мусулмон бўлмаган потенциал мижозларнинг ўсиш даражаси 14 фоиз деб баҳоланмоқда.

Такафул-суғурта бир қанча аъзоларнинг ташаббуси билан ташкил этилади ва уни бошқариш учун кўп ҳолларда шартнома асосида четдан мутахассислар жалб қилинади. Жамиятни бошқарувчилар унинг аъзоси ҳисобланмайди ва шу билан бирга, жамият олган мажбуриятлар бўйича уларга жавобгарлик юкланмайди. Аъзолар томонидан тўланган бадаллар ҳисобидан суғурта фонди (табарру) ва мудараба ёки вакала фонди ташкил этилади. Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта фонди (табарру) ҳисобидан зарар қопланади, зарар кўрмаганларга мудараба ёки вакала фонди ҳамда инвестицион даромадлар ҳисобидан тўловлар амалга оширилади. Демак, аъзолар бир йил давомида тakaful-операторлардан албатта суғурта қопламаси ёки рағбатлантириш пулларини оладилар.

Такафул-суғуртанинг ўзаро суғуртадан асосий фарқи шундаки, иштирокчининг бадали иккита фондни шакллантиришга бўлинади: биринчиси, табарру фонд – хайр-эҳсон мақсадида ташкил этилиб, суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган зарарни қоплашга йўналтирилади, иккинчиси, инвестицион фонд – шариат йўл қўйган соҳаларга инвестиция қилинади ва жамиятни бошқариш харажатларига ҳамда аъзоларга даромад сифатида тарқатилади. Аъзолар инвестицион фаолиятдан доимий даромад олади, суғурта ҳодисалари кам юз берган ёки юз бермаган ҳолатларда табарру фонд маблағларидан ҳам даромад олади.

Такафул-сугурта ва ўзаро сугуртанинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қўйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин.(2-жадвал)

Такафул-сугурта ва ўзаро сугуртанинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари*

Хусусиятлар	Такафул-сугурта	Ўзаро сугурта
Мақсад	Аъзолар ўртасида ўзаро бир-бирига ёрдам кўрсатиш	
Таваккалчилик	Таваккалчиликни аъзолар ўртасида тенг тақсимлаш	
Ҳимоя	Такафул-фонд орқали амалга оширилади	Сугурта фонди орқали амалга оширилади
Фонд турлари	Табарру ва инвестицион фондлар	Сугурта фонди
Шартнома тузиш	Ҳамкорлик келишувла-ри асосида	Ҳамкорлик келишуви ёки сугурта шартномаси
Даромад	Сугурта хизматларидан даромад олинмайди	
Инвестицион фаолият	Давлат ҳамда шариат йўл қўйган соҳаларда амалга оширилади	Давлат йўл қўйган соҳаларда амалга оширилади
Сугурта турлари	Қонун доирасида ва шариат йўл қўйган барча сугурта турлари	Қонун доирасида бар-ча сугурта турлари
Бошқарув	Бошқарувда фақат ишти-рокилар қатнашади	Бошқарувда барча аъзолар қатнашади
Назорат	Давлат ва диний идора томонидан амалга оширилади	Давлат томонидан амалга оширилади

* Муаллиф томонидан тайёрланган

Мўътадил судьянинг адолатпарварлиги ўзининг юксак мартабасига нисбатан эҳтиромидан нишонадир.

Ф. ЛАРОШФУКО

Ўзи йўқлар ҳар вақт айбдор бўлиб чиқадилар; ҳозир бўлганлар эса ҳамиша ўзларини оқлаш имкониятига эгадирлар.

Б. ФРАНКЛИН

Такафул-сугурта фаолиятини ёритишга бағишлиланган адабиётларда такафул-саноат (takaful-industry) тушунчаси кенг кўлланилади. Такафул-саноат такафул-маҳсулотлар яратиш жараёнига жалб қилинган барча хўжалик субъектларини: такафул-сугурта маҳсулотлари ва хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатишга ихтисослашган жамиятлар; анъанавий сугурта хизматларини кўрсатиш билан бирга маълум ҳажмдаги такафул-сугурта хизматларини ҳам кўрсатадиган сугурта ташкилотлари; такафул-компанияларни қайта сугурталашда иштирок этувчи қайта сугурта компаниялари ва ре-такафул компанияларни ўз ичига олади. Ҳозирги даврда такафул-сугурта жараёнида банклар кўпроқ иштирок этмоқда, улар бу жараёнда такафул-сугурта жамиятларининг муассислари ёки ушбу жамиятларнинг маҳсулотларини сотища дистрибутор сифатида иштирок этишмоқда. Қайта сугурта брокерлари, сугурта синдикатлари ва фонд бозори менежерлари ҳам такафул-сугурта фаолиятида фаол иштирок этмоқда.⁹

Хуласа ва таклифлар

Такафул-сугурта дунё сугурта бозоридаги янги йўналиш бўлиб, бугунги кунда унинг ҳиссаси унчалик катта бўлмаса-да, тезлик билан ўсиб бораётган ва турли йўналишдаги сугурта хизматларини таклиф этаётган соҳа ҳисобланади. Бу эса, бизнинг фикримизча, ушбу йўналишни кенгроқ ўрганиш ва мамлакатимизда ҳам татбиқ этиш бўйича ишлар олиб бориш зарурлигини билдиради. Ушбу сугурта шакли мамлакатимизда жорий этилган ҳолатда сугурта соҳасида сезиларли даражада ўсиш юз бериши шубҳасизdir.

Такафул-ойна (takaful windows) акционерлик жамиятларининг анъанавий ташкилий-ҳукукий шакли сифатида амал қилувчи сугурта компаниялари томонидан кўлланмилмоқда. Бундай тизимда анъанавий сугурта компаниялари алоҳида бўлинмалар ташкил қўлмаган ҳолда такафулга асосланган сугурта маҳсулотларини таклиф этадилар. Шундай тизимни мамлакатимизда жорий этиш катта ташкилий харажатларни талаб этмайди.

Масалан, дунё сугурта бозорининг етакчиларидан бири, дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатларида ўз филиалларига эга бўлган Allianz AG концерни 9 та мусулмон давлатларида ўз филиалларига эга бўлиб, уларда такафулга асосланган сугурта хизматларини таклиф этиб келмоқда.

Ислом молияси ва такафулни мамлакатимизда жорий этиш асосида Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан ушбу институтлар воситасида катта ҳажмдаги инвестицион маблагларни жалб қилиш, ҳамда талаб даражасида ривожланмайтган сугурта соҳасини сугуртанинг ушбу шаклини амалга киритиш орқали ривожлантириш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизнинг ҳаж ва умра зиёратларига бораётган фуқаролари кўпчиликни ташкил этади ва уларнинг сони янада ортиб бормоқда. Ушбу зиёрат жараёнлари турли мулкий, солиқ ва ҳаёт билан боғлиқ кутилмаган ноxуш ҳодисаларнинг юз бериш эҳтимоллигидан ҳоли эмас. Шунинг учун зиёратчилар ўртасида такафул-сугурта хизматларини йўлга қўйиш бундай


кўнгилсиз ҳодисалар билан боғлиқ йўқотишларни қоплашда қўл келади. Аммо бу хизматни йўлга кўйишида мавжуд қонунчилик билан боғлиқ тўсиқни бартараф этиш зарур бўлади. Ушбу тўсиқ шундан иборатки, такафул-суфуртани ўзаро сугуртанинг модификациялашган шакли эканлигини ҳисобга олганда, мазкур фаолиятни амалда кўллашнинг хуқуқий асоси фуқаролик кодексининг 960-моддаси хисобланади. Ушбу моддага кўра, фуқаролар ўзаро сугурта жамиятларини ташкил этиш орқали ўз аъзоларининг мулкий ҳамда бошқа шахслар олдиаги мулкий жавобгарликларини сугурталашлари мумкин. Бу моддада фуқароларнинг ўз соғлиги ва ҳаёти билан боғлиқ таваккалчиликларини сугурталашлари мумкинлиги белгиланмаган.

Ўзекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 960-моддасига ўзgartириш киритиш асосида ўзаро сугурталаш жамиятларига ўз аъзоларининг соғлиги, шу жумладан, ҳаёти билан боғлиқ хатарларни сугурталаш мумкинлиги тўгрисидаги банднинг киритилиши мамлакатимизда ўзаро сугурта фаолиятининг, шу билан бирга, такафул-суфурта фаолиятининг йўлга кўйилиши ва ривожланишига олиб келган бўлар эди.¹⁰

Юқоридагилардан келиб чиқиб, аҳолисининг асосий қисми мусулмон динига эътиқод қилувчи Ўзбекистонда такафул-суфуртани жорий қилиш, сугурта шаклларининг турли-туманлигини таъминлайди ҳамда ушбу сугурта воситасида мамлакатимизда кўрсатилаётган ихтиёрий сугурта турларининг ҳажми ортади ва бу сугуртага ўзаро сугуртанинг бир кўриниши сифатида қараганимизда ўзаро сугуртанинг ривожланишига олиб келади, дея хуласа қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т.: Адоплат, 2012
2. Скакун С.Г. пп.3.3 “Взаимное страхование и исламская экономика” Турбина К.Е., Дадьков В.Н. “Взаимное страхование” монография, Москва: Анкил 2007
3. Беккин Р.И. Страхование в мусульманском праве: теория и практика, -Москва: Анкил, 2001 С.1-34-73
4. <http://www.rcief.com/download/thirdinsurance.pdf>
5. Engku Rabian Adawiah Engku Ali, Hassan Skott P.Odierno, Essential Guide to Takaful (Islamic Insurance). //CERT Publication Sdn. Bhd. – Kuala Lumpur, Malaysia.2008.
6. http://www.business 24-7.ae/Articles/2009/7/Pages/ 28072009/07292009 _f59db2ea536a434eabb53f676cac930d.aspx
7. Такафул:динамик бозордаги ўсиш имкониятлари. PricewaterhouseCoopers компаниясининг таҳлилий ҳужжатлари. Электрон ресурс. Кириш йўли:http://www.pwc.com/en_GX/gx/financial-services/pdf/pwc_takaful.pdf
8. Скакун С.Г. Взаимное страхование в системе современного мирового страхового хозяйства. Автореферат докторской к.э.н. Москва 2009 с. 14
9. Закон Республики Казахстан от 12.02.2009 год №133-4 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам организации и деятельности исламских банков и организаций исламского финансирования».<http://www.zakon.kz>
10. Islamic insurance. Trends Opportunities and the future of Takaful. London, 2007.-С. 3 [электрон манба]. Кириш йўли: http://books.google.ru/books?id=gEXUN_n7E58C&pg=PA4&lpg=PA4&dq=Takaful+widows&source=blot



Муаллиф ҳақида қўшимча маълумотлар

Тошкент молия институтининг учинчи босқич докторанти, “Ўзбекистонда ўзаро сугуртани жорий этишининг ижтимоий-иқтисодий омиллари” мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Муаллиф томонидан мазкур мавзуга багишланган монография нашр этилган ва мақолалари миллий ва чет эл илмий журналларида чоп этилган, жумладан:

1. Кўлдошев Қ.М. Ўзаро сугурталаш жамиятларини ташкил этишининг зарурити, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари // Молия.-Тошкент, 2017.-№5, 19-21 б.
2. Кўлдошев Қ.М. Ўзаро сугурта ва ушбу сугуртани Ўзбекистонда жорий этиш масалалари // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали.-Тошкент, 2017.-№3, 27-29 б.
3. Кўлдошев Қ.М., Баратова Д.А. Ўзаро сугуртанинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, Ўзбекистонда уни жорий этишининг афзалликлири // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар ” илмий-электрон журнали.-Тошкент, 2017.-№, 37-39 б.
4. Кўлдошев Қ.М. Сугуртанинг муқобил шакли сифатида ўзаро сугурталаш жамиятларини ташкил этишининг назарий ва хуқуқий асослари. Монография.-Тошкент: “Vneshinvestprom” МЧЖ. 2018. -120 б.
5. Кўлдошев Қ.М. Особенности страхового рынка Узбекистана и необходимость создания взаимных страховых обществ. // Экономический анализ: теория и практика. -Москва, 2018.-№4, 690-703 б.
6. Кўлдошев Қ.М. Insurance market of Uzbekistan and need for mutual insurance companies. //“DIGEST FINANCE”. -Москва, 2018.-№2, <http://www.fin-izdat.com/journal/digest/>
7. Кўлдошев Қ.М. Роль страхования предпринимательских рисков в развитии предпринимательской деятельности. // Статистика, учет и аудит. -Алматы, 2018.-№12
8. Кўлдошев Қ.М. Ўзаро сугурталаш жамиятларини ташкил этишининг зарурити, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари // “Худудлар молиявий салоҳиятини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. (2017 йил 12 апрел) -Т.: 2017.- 35-36 б.
9. Кўлдошев Қ.М. Дунё мамлакатларида ўзаро сугуртанинг пайдо бўлиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари // “Пенсия таъминоти тизимини ислоҳ этиши концепцияси: халқаро тажриба ва тенденциялар, Ўзбекистонда пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. (2018 йил 23 октябр) -Т.: 2018.- 25-26 б.
10. Кўлдошев Қ.М. Предпринимательство и риск: роль страхования предпринимательских рисков в развитии этой деятельности // “Современное состояние и перспективы развития рынка страхования” III-Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари, “Elibrary.RU” илмий электрон кутубхонасининг Сертификати. (2018 й. 25 октябрь). Россия Федерацииси, Воронеж ш. 2018.- 125-127 б.



Холмамат ХАСАНОВ,
Тошкент шаҳар
маъмурий судининг
судъяси

ТУРТКИ

Ривоятга кўра мартабали бир доно мударрис (айрим манбаларда Ибн Синоға нисбат берилган) талабалари билан тоққа гиёҳ териш ва амалиёт ўтиши мақсадида кетаётib, атрофдаги қишлоқлардан бирида ўрта ёшли одам кап-каптта ўғлини кўлига калтак олиб қувлаб юрганини кўрдилар. Талабалар жабройидага болани кутқариб “баджаҳ” отани тартибга чакириб кўшиши сўраб устозга юзланишди.

— Фарзандингиз қандай номақбул иш қилди-ки, унинг тарбияси учун тилга эмас, калтакка эҳтиёж туғилди? — деди Мураббий.

— Бу ноқобил фақат менинг айтганимни қиласди, ўзидан билиб бирон ишга қўл урмайди, “Ўнга кирдинг – сонга кирдинг”, - дейдилар, ахир!... – деб куйинди Ота.

— Ундаи бўлса, жуда тўғри қиласиз, ҳалиям анча кечикибсиз, - деди Донишманд ва йўлида давом этди.

Талабалар ушбу “хукм”дан ҳайратда қолдилар.

— Узр, устоз, отанинг чиззган чизигидан чиқмаган фарзанд нечун ноқобил бўлсин? Ахир унинг бирон-бир гуноҳсиз жазоланиши адолатдан эмас-ку?..

Устоз сукут сақлади. Хулоса чиқариб олиши масаласини эса уларнинг ихтиёрига қолдирди.

Юртбошимизнинг 2018 йил 28 декабрида Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини тинглаб, ўша Оқил Ота ва Улуғ Донишманд фалсафаси беихтиёр ёдга тушади.

Нега биз ўзимиздан билиб бирон бир фойдали ишни бошлай олмаймиз? Нега то ҳануз мустақил фикр ва жўяли ташаббус чиқмайди биздан? Элу-юрт ободлиги ва миллат равнақи учун ҳар биримиздан


тегишли ҳаракат, жонбозлик, фидойилик талаб қилинмоқда, ахир.

Мустақиллик йилларининг охирги икки йилида қанчадан-қанча муаммолар ечилиди ҳамда ниҳоятда кўламли бошқарув тизими ишга тушди. Махобатли ва ҳайбатли дараҷадаги юмушлар кетма-кет амалга оширилмоқда. Бунинг учун бизга, албатта, катта бир туртки керак экан-да.

Чунончи, суд-хуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, яъни мазкур тизим мутахассислари онгида туб бурилишлар ясаш учун ҳам маҳсус дастур – кўрсатма зарур бўлди.

Ҳали, қарийб чорак аср олдин қонунда белгилаб қўйилган Маъмурий судларни ташкил этиш масаласи ҳам орадан шунча йил ўтиб, мана энди ўз ечимини топди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судьяларнинг дахлсизлиги ва уларнинг ижтимоий ҳимояси хусусидаги қатор тадбирлар соҳа нуфузини янада юксакларга кўтариш учун хизмат қилмоқда. Қаранг-ки, халқнинг юрагига кулоқ тутилиб, уларнинг дарди обдон тингланса, жамиятдаги мавжуд нуқсонлар, соя-сояларда назардан четда қолиб кетган қусурлар кетма-кет чиқиб келаверар экан.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу Мурожаатномасида ҳам суд-хуқуқ тизимига алоҳида тўхталиниб, айрим қонунларимиз амалда





ишламаётганды, хусусан, жиноят ва жиноят процессуал кодекслари маңдан эскиргандылыгы сабабли мазкур кодекслар қайта күриш чиқилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ростдан ҳам шундай. Мантиқан узвий изчилликни таъмин этмайдыган, муайян ҳолатларда бир-бируни инкор ҳам этувчи хукукий нормалар мавжудларини кўра-била, шу пайтгача, на назариётчи олимлар ва на амалиётчи хукуқшуносларимиз ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришдан тийишиб келдилар.

Корхона ташкилотларда, жумладан, судда ҳам маъмурый ишларни кўриш қуроли ҳисобланган хукукий меъёрлар мажмuinи, яъни, "Маъмурый жавобгарлик тўгрисида"ги кодексни эса мутлақо янгидан ёзиб чиқиш зарур. Деярли ҳар йили қўшимча ва ўзгартиришлар билан тўлдириб келинаётган ушбу тўплам, биринчи навбатда моддий ва процессуал нормалар бўйича иккига ажратилиши, ишнинг тоифалари ва таснифига кўра алоҳида изчилликда муайян тизимга солиниши лозим бўлади. Айниқса, хукуқбузарликнинг оғирлик даражаси, ижтимоий аҳамияти эътиборга олинган ҳолда тегишли моддаларда акс эттирилиши мақсадга мувофиқ. Маъмурний суд ишларини юритиши тўгрисидаги кодексни ҳам шу муносабат билан кенгайтириб, процессуал нормалар мажмui сифатида фойдаланиш мумкин. Аслида, оммавий хукукий муносабатлардан келиб чиқувчи низолар маъмурий хукуқбузарликнинг алоҳида бир тоифаси деб қаралиши тўғрирок бўларди.

Одил судлов фаолиятида жиноят ишлари бўйича муваффакият билан амалга оширилаётган, қонунчиликда аллақачон ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб улгурган - ярашув

институтини маъмурий тартибда иш юритиш судловига ҳам татбиқ қилиш вақти етди. Айни пайтда амалиётда учраётган ҳолатлар мазкур иш юритувини тақозо этмоқда. Масалан, оиласи низо оқибатида, жаҳл устидада ички ишлар органига қилинган ёзма ёки оғзаки мурожаатлар, фуқароларнинг ўзаро енгил-елпи тортишув ҳамда айтишувлари, ҳатто бир-бираига қанчадир миқдорда зарар етказишилари, шунингдек, анча миқдорни ташкил этмайдиган йўл транспорт ходисалари тарафларнинг ўзаро ярашиб-келишиб кетганларидан сўнг ҳам маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши судларда иш ҳажми юкламасининг сунъий равишда ошиби кетишига хизмат қилмоқда. Бундай ишларни кўриб ҳар доим ҳам "огоҳлантириш" билан кифояланиш ёки шунчаки "иш юритвидан тугатиш" мумкин бўлавермайди. Мазкур ҳолатларда суд томонидан кўлланилган таъсир чораси - "Ўчган чўғни кўргалаб" хукуқбузарликни қайта янгилайди, яъни "Ўлган илоннинг бошини қўзгаб" кўяди баъзан.

Бундай тоифадаги ишлар жамоатчилик асосида, айтайлик, жойларда мавжуд бўлган маҳалла фаоллари иштироқида, аниқроғи, келишитирувчи -яраштирувчи маҳкамам томонидан кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Худди шунга доир таклиф устоз У. Мингбовининг мақолаларида ҳам бир неча марта билдирилганлигидан хабаримиз бор. Яъни мамлакат миқёсида "Муроса судлари" ташкил қилинса ва мазкур тоифадаги ишлар кўриб ҳал қилиниши уларнинг ваколатига берилса, ушбу тадбир пироварди масаланинг энг тўғри ечимиға олиб борган бўлур эди.



Маъмурий тартибда иш юритиш кодекслари тузиб чиқилишида судьялар томонидан ҳар бир қарор алоҳида хонада қабул қилиниши ва “Ўзбекистон Республикаси номидан” эълон қилинишига ҳам эътибор қаратилиш лозим. Негаки, “Судлар тўғрисида”ги қонунда қайд этилишича, барча судьялар бир хил мақомга эга. Эълон қилинажак қарорнинг нуфузи, алалоқибат, суд ҳокимияти обўсига ҳам таъсир қилиши, шубҳасиз.

Яна бир иштибоҳ. Хозирги пайтга келиб судларда кўрилаётган ишларга нисбатан жамоатчилик назорати анча кучайди. Сайёр суд жараёнлари, судьяларнинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқишлиари суд ҳокимиятининг халқчиллигини таъминламоқда. Холбуки, судьялар томонидан чиқариладиган ҳар бир тақдимнома ҳамда хусусий ажрим, шунингдек, хукм ва қарорларнинг жойларда муҳокама этиш учун юборилиши каби тадбирлар ҳам аслида ҳукуқий тарғибот саналади.

Судьялар томонидан ҳар бир ишнинг синчковлик билан, ҳар томонлама мулоҳа-закорлик асосида кўриб чиқилиши одил судловнинг адолат тамойилини, қарорлар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилиши табиий. Бунинг учун уларнинг иш юритувидаги юкламани имкон даражада камайтириш чоралари кўрилиши зарур. Ривожланган ҳукуқий давлатлар суд тизими фаолияти миллий менталитетимиз эътиборда тутилиб қиёсан ўрганилган ҳолда мамлакатимиздаги вилоят ва унга тенглаштирилган судларда матбуот хизмати штатлари йўлга кўйилиши мақсадга мувофиқ. Барча ҳукуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари, суд фаолиятидан лавҳалар, қонундаги янгиликлар ва жамоатчилик

саволларига жавоблар маҳсус малакали ҳукуқ журналистлари томонидан матбуотда ёритиб борилиши ҳар жиҳатдан суд ҳокимияти шаффоғлигини самарали таъминлайди ҳамда судьяларнинг иш юкламаларига ижобий таъсир қиласи. Мазкур ходимлар ўрни журналистика университетининг “Ҳукуқ журналисти” ёхуд юридик университетинг “Ҳукуқшунос журналист” йўналиши бўйича таълим (олган) оладиган малакали мутахассислар ҳисобига тўлдирилиши мумкин.

Дарвоқе, бугунги кунда юртимизда ҳукуқшунос журналистлар бармоқ билан санаарли даражада. Матбуот саҳифаларида чоп этилаётган суд очерклари, ҳукуқ-тартиботи билан боғлиқ мақолалар умумий савиясига кўра мақтарли даражада эмаслиги бор гап. Ҳукуқшуносларимиз журналистика санъатидан қанча масофада туришса, журналистларимиз ҳам юридик терминларни билиши, тергов-сурештирув ва суд жараёнларидағи ўзига хос жиҳатларни ҳис қилиши масаласида шунча йироқдан бўйлаётирлар. Шу ўринда ҳукуқшунос ҳамкасларимиз, жумладан, судьяларнинг ҳам барча ёзувчиизув ҳаракатлари оммавий адабий тил доирасидаги қонун тили чегарасидан чиқолмаётганларини ҳам таъкидлаш лозим. Гўёки улар мабодо қонунда қайд этилган жумланинг синонимини ишлатишса, қабул қилган қарорларининг бекор қилинишига сабабчи бўлишадигандек.

Демак, касб кўникмасидан четга чиқиш ҳам анча-мунча мушкул жараён. Худди шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, яна бир таклиф – “Қонун тили”ни “Адабий тил”га ўтказиш, жилла курса яқинлаштириш керак.

Бу энди бошқа бир мақола учун мавзу.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН



Ўзбекистон суд тизими тарихида илк бор Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 йил 6 январда имзоланган “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ илк бор Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Ушбу илмий таълим ва тадқиқот муассасасида “Regional dialogue” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда Ўзбекистонда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнига кўмаклашиш доирасида халқаро семинар ўтказилди.

Тадбирда бир қатор хорижий мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Шотландия, Словениянинг нуфузли эксперталари, халқаро ташкилотларнинг мутасаддилари иштирок этиб, судьялар тайёрлаш борасида тўпланган илгор хорижий тажрибалар ҳақида маъruzalар қилишиди.

Халқаро семинарда иштирок этган хорижий эксперталарнинг фикр-мулоҳазалари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



Алистер ДАФФ, Шотландия суд институтининг директори:

– Бугунги семинарда иштирок этаётганимдан жуда мамнунман. Ўзбекистонда илк бор Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши суд-хуқуқ тизимидағи муҳим янгиликлардан биридир. Судьяларни тайёрлаш барча ривожланган мамлакатларда давлат ва жамият миёсида жиддий аҳамият қартиладиган вазифа бўлиб ҳисобланади.

Шотландияда судьялар тайёрлаш бўйича катта амалиёт тўпланган. Шотландия суд институти фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинган. Институт расмий сайтига тингловчилар учун жуда кўплаб илмий-амалий қўлланмалар, дарсликлар, шунингдек, аудио ва видео

кўргазмали материаллар доимий равища жойлаштириб борилади. Бундан ташқари, унда суд процессларидан олинган турли материаллар ҳам акс этган.

Менинг фикримча, судья ва суд ходимларини тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш назарий ва амалий жиҳатдан жуда мураккаб. Бу йўналиш бўйича илмий ва амалий иш услублари доимий равища такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади. Мана шундай тадбирларда миллий ва хорижий тажриба батафсил муҳокама қилиниб, ўзаро уйғулаштириб борилиши лозим деб ҳисоблайман.

Бизда юқори суд судьяларини тайинлаш тартиби учта бўғиндан иборат, аммо ўз фарқли жиҳатларига эга. Судьялик лавозимига номзод тўғрисида юқори унвонга эга бўлган судьялар таклиф киритишади, лорд-канцлер уларга асосланган ҳолда тавсия беради, монарх эса тайинлайди. Юқори суд судьяси лавозимига амалий тажрибаси 10 йилдан кам бўлмаган барристерлар тайинланиши мумкин. Судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи билан 1979 йилдан бўён маҳсус тузилган Суд илмий кенгаши шуғулланади.

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган жиноят ишлари бўйича Тож суди судьялари учун 4 кунлик мажбурий ўқув курслари ўтказилади. Ўқув курсини якунлагач, улар 10 кунлик стажировка ўташ учун тажрибали судьяларга бириктирилади.



Стевани ХЕММЕРТ, АҚШ Федерал суд марказининг суд таълими бўйича катта мутахассиси:

– Алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш ва мустақиллигини амалда таъминлаш борасида жиддий ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Хусусан, Судьялар олий кенгаши хузурида Судьялар олий мактабининг ташкил этилиши келгусида малакали судьялар ва суд ходимлари корпусининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бугунги семинар ҳакида тўхталағидан бўлсак, шуни айтиш керакки, Судьялар олий мактаби ходимлари ушбу семинарга катта тайёргарлик кўрганлиги билиниб турибди. Улар томонидан берилган саволлар, билдирилган фикр-мулоҳазалар фикримни исботлайди.

Судьялар олий мактаби ходими Раҳимкул Тошбоевнинг АҚШ Федерал суд маркази судьяларни ўқитишдан ташқари, судлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда судьяларни ўқитиш дастурларини тузиша фойдаланиш учун суд амалиётини таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича ҳам фаолият юритадими, деган саволи менда катта қизиқиш ўйғотди.



Чунки АҚШ Федерал суд марказининг асосий фаолиятидан бири бу судлар фаолияти юзасидан тадқиқотлар ўтказишидир. Тадқиқот натижасига кўра Федерал марказ Суд конференциясига судлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ўзининг таклифларини тақдим этади.

АҚШ Федерал суд маркази 1967 йилда Конгресс томонидан ташкил этилган бўлиб, шу соҳада алоҳида ўрин тутади. Мазкур мусассаса мустақил тадқиқот ва таълим маркази сифатида федерация миқёсида фаолият юритувчи судьялар ва суд ходимларини ўзининг амалий ва назарий машгулотлари ва бошқа турли тадбирлари билан қамраб олади.

АҚШ Федерал суд маркази федерал бюджетдан молиялаштирилади. Унинг ўқув дастурлари доимий асосда баҳоланиб борилади. Бунинг учун маҳсус баҳолаш варақалари тарқатилиб, кейинчалик уларга берилган жавоблар таҳлил этилади. Таҳлил натижалари бўйича дастурда мавжуд бўлган такрорланишлар аниқланади.



Умида ҲУСАИНОВА, Судьялар олий мактаби бош мутахассиси:

Судьяларга кўйиладиган касбий ва инсоний фазилатларга эгалиги борасидаги талабларга жавоб бера олиш учун давлат томонидан таъминланадиган ўқув ва малақа ошириш тартиби, шароитлари ҳар бир давлатнинг ҳуқук тизими ва ўзига хослиги, шароитдан келиб чиқиб турли тартибда белгиланади. Ушбу хилма-хилликни ўрганиш, хорижий тажрибанинг ютуқларидан самарали фойдаланиш мақсадида бугунги семинар ташкил этилди.

Семинар давомида АҚШ, Шотландия, Словения каби мамлакатларнинг нафақат судьяларни тайёрлаш, балки, суд амалиётига оид миссоллардан намуналар ҳам ўрганилди. Иштирокчилар ўзларини қизиктирган саволларга жавоблар олдилар.

Масалан, тадбирда маъруза қилган Америка Федерал суд маркази Суд таълими бўйича катта маслаҳатчи Стефани Хеммертнинг мулоҳазаларига кўра, ҳар бир судья моддий ва процессуал ҳуқук нормаларини чуқур ўрганиши талаб этилади. Малака ошириш курслари эса судьяларнинг талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Чунки ҳар бир судья қайси соҳа ўзи учун қийинлигини, ўз камчиликларини, қайси йўналишда малака ошириши зарурлигини яхши билади. Суддан талаб этиладиган нарса – мустақиллик, халқнинг одил судловга бўлган ишончи ва уларни эшита билиш. Судьяда вазиятни олдиндан кўра билиш қобилияти бўлиши, масъулият ва тарафларнинг унга ишончи, хурмати бўлиши керак.

Словения давлати Шотландия ва Америкадан фарқли равишда континентал ҳуқук тизимига асосланган. Ўз мустақиллиги ва мустақил суд тизимига эга давлат. Судьяларни ўқитиш бўйича янги модель ишлаб чиқилганига қарамай, амалда бир қатор камчиликлар ҳам етарли. Судьялар таълими билан шуғулланувчи марказ Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган бўлишига қарамай, ўз фаолиятини тўлиқ мустақил ҳолда амалга оширади.

Словенияда умумий ҳуқук тизими давлатларидан фарқли равишда, судьяликка 25-30 ёшдан тайинланиш ҳам мумкин. Олий юридик маълумотга эга бўлгандан сўнг камида икки йил суд котиби бўлиб ишлаши талаб этилади.

Судья, прокурор ва адвокатлар биргалиқда ўқитилади. Улардан чуқур билим ва кўниқмаларга эга бўлиш талаб этилади. Ҳар бир судья йилда бир ёки икки марта малақа ошириш курсларида қатнашади. Мазкур курслар икки ёки уч кун давомида интенсив тарзда маълум бир йўналишда ташкил этилади. Нафақат суд амалиёти бўйича, балки инсонлар олдида қандай нутқ қилиш каби курслар ҳам ташкил этилади. Судьяларни ўқитишда таълим предметини тўғри танлаш мухим аҳамиятга эга. Бунинг учун судьялар, прокурорлар, нотариуслар, профессорлардан иборат таркибда Кенгаш ташкил этилади. Қайси соҳада кимлар таҳсил олиши зарурлиги Кенгаш томонидан ўрганилади.

Шокир АЛИБЕКОВ тайёрлadi.

ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТГА БАҲШИДА УМР



Яқинда Ўзбекистон Судьялари ассоциациясида бутун умрини, онгли ҳаётини ҳалоллик билан ўтказаётган ва Ватанимизга садоқат билан хизмат қилаётган юртдошлиларимиздан бири — камтарин ва адолатли инсон, машхур ҳуқуқшунос Убайдулла Курбонович Мингбоевнинг минг ой кўрганлиги муносабати билан маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Убайдулла Курбонович, мустақил Ўзбекистон юриспруденциясининг ривожланнишига муносиб ҳисса кўшиган етук мутахассисдир. Хусусан, у мамлакатимиз суд тизимининг тамал тошини кўйган йирик ҳуқуқшунослардан бири бўлиб, қонун устуворлигига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши ҳамда уни мустаҳкамлашида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

У киши ҳақида гап кетганда, кўпчиликкагина кўз олдида адолатпарвар, ҳақиқатсевар, инсонпарвар судья намоён бўлади. Убайдулла Мингбоевнинг ҳаёт йўли, бир қанча китоблари судья ва суд тизими ходимларига ҳалоллик, адолат ва ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласи. Шунинг учун Убайдулла Курбоновични суд тизими ходимлари ҳақли равишда Устоз сифатида қаттиқ ҳурмат қиласи ва ардоқлайди.

Маърифий тадбирда сўзга чиққан нотиқлар одил судловнинг асосий мақсади бўлган инсонпарварлик, ҳалоллик ва адолат у кишининг ҳаёт фалсафаси эканлигини кўп бора таъкидлаб ўтишиди.

Тадбирда Парламент аъзолари, кўплаб таниқли ҳуқуқшунослар, шоир ва ёзувчилар, шогирдлари шитирок этишибди ва Убайдулла Курбоновичнинг инсоний фазилатлари, ҳаёт йўли, иши принциплари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиди.

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раиси, Ўзбекистон халқ шоури

ПОКДАМОНЛИК ИНСОННИ ЮКСАЛТИРАДИ

– Убайдулла Қурбоновични халқимиз кўп ийллардан бўён юксак инсоний фазилатларга эга бўлган адолатли судья сифатида жуда яхши танийди ва ҳурмат қиласди.

Убайдулла ака, машаққатли меҳнат ва ҳалоллик инсонни қанчалик юксак мавқега эриштириши мумкинлигини исботлаган кам сонли Юртдошларимиздан биридир. Бугунги тадбирда иштирок этаётган ва фикр-мулоҳазаларини билдираётган инсонларнинг деярли барчаси алоҳида таъкидлаб ўтишяптики, у киши нимагаки эришган бўлса, ҳалоллик ва сидқидилдан қилинган меҳнати эвазига эришган. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ва Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг устувор йўналиши бўлган адолатни қарор топтириш масаласида у кишининг алоҳида хизматлари бор.

Убайдулла ака ўзбек халқининг бошига тушган қора кунлар натижасида айбисиз айборд деб топилган не-не улуғ инсонлар пешонасидан жиноятчи деган тамғанинг олиб ташлашишига сабабчи бўлган. Мураккаб бир пайтда ўқтам туриб адолат қарор топиши йўлида ма-tonat кўрсатган. Қанчалик оғир ва қийин бўлмасин, виждонига содик қолиб, баъзи бир айбисиз инсонларнинг таҳқирланган, айтиш лозим бўлса, топталган хукуқларини тикишга эришган. Шунинг учун најот излаб суд идораларига келган кўплаб ватандошларимиз у кишининг сиймосини кўкка кўтарадилар.

Бир сўз билан айтганда, Убайдулла ака бутун ҳаётини эзгуликка бағишлиланган том маънодаги улуғ инсондир. Яратган у кишига шунчалик куч-куват берганки, минг ой кўришига қарамасдан шу соҳанинг ривожланиши учун тинимсиз меҳнат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон хукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида муҳим аҳамият касб этадиган, судьялар ҳамжамиятининг олий органи Судьялар олий кенгашига раҳбарлик қилмоқда.

Шубҳасиз у кишининг ҳаётий ва иш принциплари, яшаш тарзи суд тизими ходимларига ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласди.



Тадбирда адаб ва журналист Шоҳруҳ Ақбаровнинг Убайдулла Мингбоев ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган "Касбу корим адолат бўлди" номли китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Ушбу китобда Убайдулла Мингбоевнинг суд тизимидағи 50 йилдан ортиқ самарали фаолияти, судья ва суд тизими ходимлари олдида турган вазифалар тўврисидаги фикр-мулоҳазалари ва бошқа қимматли маълумотлар акс эттирилган. Китоб фақат хукуқшуносларга эмас, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Асар таникли хукуқшунос, академик, Инсон хукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал САЙДОВ сўзбозиси билан бошланади. Акмал Сайдов, жумладан, қуийидаги фикрларни келтириб ўтади.



ЎЗ КАСБИГА АДОЛАТ БИЛАН ЁНДАШУВ

— Китобни мутолаа қилиш асносида Президент Ш. М. Мирзиёев томонидан мамлакатимиз суд-хуқуқ тизимидағи туб ижобий ўзгаришлар жараёнида суд ишини амалга ошириш ваколатига эга ва бунга маънавий хуқуқи бор процессуал шахс саналган судьялар олдига кўйилган қатъий талаблар билан асар бош қаҳрамонининг ҳаётий таомиллари орасида ўзига хос муштарак хусусиятлар мавжуд эканлигига амин бўлдим.

Убайдулла ака Олий суднинг ўзида салкам 20 йил фаолият олиб борган. Шу жумладан, 12 йил давомида, яъни 1991-2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси лавозимида хизмат қилган.

Миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичида, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан икки йилдан бўён ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётган Ҳаракатлар стратегияси негизида мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини хуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепцияни ҳаётга татбиқ этишга киришилди.

Устоз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 29 июнданги қарори билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси раиси лавозимига тайинланди.

Модомики, Убайдулла аканинг бу борадаги ҳиссаси ҳақида сўз борар экан, устоз ўз касбини улуғлаш масаласига нафақат амалий, айни чоғда ижодий жиҳатдан ҳам муносиб улуш кўшиб келаётгандигини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқdir.



Убайдулла Мингбоевнинг кўпчилик ҳавас қиладиган, қойил қоладиган ибратли ҳаёти ҳамда сермазмун фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китобда кўплаб таникли инсонларнинг фикр-мулоҳазалари ўрин олган. Мана шундай машхур кишилардан бири, севимли адаб Хуршид Дўстмуҳаммад Убайдулла Қурбонович ҳақида қўйидагича ёзади:

ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСИН...

— Инсоннинг ҳаётий аъмолларини ўрганар экансиз, беихтиёр унинг болалик, ўсмирилик кезларини “тафтиш” этасиз. Хотиранома муаллифи Шоҳруҳ Акбаров тажрибали қаламкаш сифатида ўз қаҳрамонининг болалик чоғларидан бошлайди, сўзни. Беҳад оғир замонлар, етимлик изтироблари, катта ҳаёт йўлига чиқиб олгунга қадар бошдан кечирилган саргузаштлар. Муаллиф Убайдулла Қурбонович феълидаги ҳалоллик, ростгўйлик, ҳақгўйлик, кези келганда эса, ирова метинлиги, янада муҳими, нафс тўқлиги сингари улкан инсоний фазилатлар илдизини бу инсоннинг болалик ва гўдаклик палласидан излайди. Чунки устознинг тийнатига донишманд ҳаётнинг ўзи болалигига ёк кўксига, дилига муҳрлаган биз алқаб айтиётган фазилатларни.

Убайдулла Қурбоновичнинг қаламига мансуб “Адолат мезони” китобини ўқишдан кўп таассуротлар олгандим. Бир ўринда қални ларзага соладиган лавҳа ҳикоя қилинган унда.

У кезлар устоз Тошкентдан эндиғина Бухоро вилоятiga хизматга йўлланаётганди. Жазосини кутиб турган жиноятич “Ўлим жазосини берса ҳам Мингбоевнинг ўзи тақдиримизни ҳал қилсин!” — дея мурожаат қиласди. Тасаввур қиласилик, борди-ю ўлсак адолат туйғусини йўқотмаган одамнинг ҳукми билан ўлим топайлик, деган талабнома битишга нима мажбур қилди маҳкумни?

Хотираномадан келиб чиқувчи энг катта сабоқлардан бири ҳам шунда, токи қайси соҳа бўлмасин, қаторда норинг бўлсин, деганларидек, сафингизнинг аввалида Убайдулла Мингбоевлар бўлмоги баҳтингиз. Бундай инсонлар борлигининг ўзиёқ шараф, саодат, ибрат.



Садриддин ГУЗАРОВ,
Судьялар ассоциацияси бош консультанти:

ҚАЛБИ ТОЗА, ВУЖУДИ ПОК

– Устозимиз таваллуд куни муносабати билан ўтказилган маърифий тадбир ҳам биз учун жуда ибратли бўлди. Тадбирда қанчадан-қанча машҳур олимлар, элу-юрга танилган ҳуқуқшунослар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишиб, Убайдулла Қурбоновичнинг фақат ўзигагина хос бўлган, бетакрор феноменини ҳақида гапириб ўтишди. Бундай юксак ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлиш осон эмас. Бунинг учун инсон қалби тоза, вужуди пок, ҳаётнинг ҳар қандай синовларини матонат билан енгигб ўтишга қодир бўлиши керак. Убайдулла Қурбоновичнинг вужудида инсон учун энг керакли мана шундай фазилатлар мужассам.

Республикамиз ахли Убайдулла Қурбоновични ҳаётини Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлигига баҳш этган ҳалол ва одил раҳбар, қатъяли, жасур ва адолатли судья, меҳрибон устоз ва мураббий, жонкуяр, фидойи ва камтарин инсон сифатида билади ва ҳурмат қиласди. Устозимизнинг бугун шу қутлуг ёшда ҳам бизлар билан бир сафда юксак ва масъулиятли лавозимда ўз ҳаётий ва иш тажрибасини ишга солиб, тинимсиз ишлайтгани суд ҳокимиятидаги барча ходимларга ўрнак бўлади. У кишининг бугунги кунда ҳам ҳар бир ишда бизга бошкosh бўлаётганилиги жуда қувончлидир.



Убайдулла Қурбонович, суд тизимидағи 50 йилдан ортиқ самарали меҳнат фаолияти давомида турли босқич судларида оддий судьяликдан, энг юқори суд инстанцияси — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимларида ишлади. Бунинг учун инсон ҳалоллик, адолатлилик, тўғрисўзлик, талабчанлик, ишчанлик ва бошқа кўплаб фазилатларга эга бўлиши керак. Юқорида санаб ўтилган барча инсоний фазилатлар устозимизда мужассам. Биз шогирдлар у кишидан жуда кўп нарсаларни, энг муҳими, судья учун керакли бўлган ҳар қандай вазиятда адолат томонида туришга куч топа билишни ўрганганимиз.





Абдукамол РАҲМОНОВ, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари, ҳукуқшунос:


САФИРЛИКДАН – ПИРУ КОМИЛЛИККАЧА

– Улуг устозлардан, табаррук инсонлардан бири – судьялик мактабини яратиб, минглаб ҳукуқшуносларнинг севимли устозига айланган, ҳар бир соҳанинг пири бўлганидек, судьяликнинг пиру-комили Убайдулла Қурбонович Мингбоевдир. У кишини нафақат ҳукуқшунослар, балки бошқа кўплаб соҳа вакиллари ҳам устоз, деб эътироф этишади, хурмат қилишади.

Тўғри-да, бугунги кунда ҳалқимиз орасида ҳалоллик ва покликни ўзига шиор қилиб, адолат ва ҳақиқат элчиси сифатида кенг танилган Убайдулла Мингбоевнинг ҳаёт йўли кўпчилик учун катта бир ибрат мактабидир. Жамиятимизнинг ҳурматли отахонларидан бирига айланган бу нуроний инсоннинг ёшлиги ҳақидаги маълумотлар билан танишганимда, заҳматкаш, меҳнаткаш, айни вақтда тиришқоқ, ҳаракатчан, қатъий ва бир сўзли бола кўз ўнгимда гавдаланади.

Сурхондарё вилояти, Денов туманининг Откамар ва минора қишлоқлари тулашиб кетган маҳаллада дунёга келган Убайдулла Мингбоев беш-олти ёшларида онасидан ҳам айрилиб, тогалару-янгалар, холалару-аммалар, хуллас кимларнинг кўлига бормади, қайси хонадонларда яшамади, қайси қозонларда қайнамади дейсиз. Болалиги даҳшатли иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди, бир томондан очарчилик, бир томондан қора меҳнат, яна бир томондан сағирлик... Қорни тўйиб овқат емаган, бирон бир янги кийим киймаган, ўйин нималигини билмаган Убайдулла Мингбоев эрта саҳардан, кеч тунгача меҳнат қилса-да, чарчашиб нималигини билмаган.

Лекин бу қийинчиликлар қаддини буқолмаган, орзу умидларини сўндиrolмаган. Аксинча, уни тоблаган.



Маърифий тадбир иштирокчилари дикқатига Убайдулла Мингбоев ҳаётининг болалик чогидан бошлиб, бугунги кунгача бўлган даврини қамраб олган хужжатли фильм намойиш қилинди. Ушбу фильм "Фавворафильм" студиясида яратилган.

Келдиёр ХЎЖАЁРОВ,
"Фавворафильм" студияси директори:

КЎП ҚИРРАЛИ ВА ЎЗИГА ХОС ШАХС

– Мен кўп йиллардан бери Убайдулла акани ниҳоятда камтарин, энг муҳими, адолатли инсон эканлигини яхши биламан. Ва мана шундай хокисор, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ҳалол, пок ватандошим борлигидан фахрланиб юраман.

Ушбу фильмни суратга олишдан олдин қаҳрамонимиз сиймосини экранда қандай акс эттирамиз деб, ижодий гуруҳ билан жуда кўп мулоҳаза қилдик. Убайдулла аканинг кўп қиррали ва ўзига хос шахс эканлиги нұқтаи назаридан у кишининг қиёфасини тўла акс эттириш ниҳоятда мушкил эди ва бизга жуда катта масъулият юклиди.

Мен ўзимиз яратган фильмга баҳо бериш фикридан йироқман, ҳақиқий баҳони томошабин беради. Фурсатдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, ушбу фильм миллионлаб ёшларимизга ибрат мактаби бўлиб хизмат қиласди. Фильмни томоша қилган инсонларда умрни мунносиб ўтказиш кераклиги борасида фикр пайдо бўлади. Ижодий гуруҳимиз билан ҳар бир детални олаётганимизда шунга алоҳида аҳамият қаратдик.



Хулоса қилиб айтганда, Убайдулла Мингбоевнинг мардонавор босиб ўтган ҳаёт йўли бир текис, равон эмас. Юқорида шогирдлари айтиб ўтганидек, болалиги, ўсмирилик чоғлари жуда мураккаб, баъзан ачинарли кечган. Шу ўринда, жаҳонга машҳур адаб, улуғ ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг қуидаги фикрлари ёдга тушади: “Буюк ёзувчи бўлиш учун, шубҳасиз, катта истеъодод, тинимсиз меҳнат ва шулар билан биргаликда, баҳтсиз болаликни ҳам бошидан кечирмоқ керак.” Убайдулла Қурбонович сиймосида ёндашадиган бўлсан, УЛУФ ИНСОН бўлиб етишиш учун ҳам эҳтимол баҳтсиз болаликни бошдан кечирмоқ керакдир...

Маърифий тадбир барча иштирокчиларга ибратли бир умр сархисоби факатги на ҳалоллик ва адолатга таянсагина юксак обрў-эътибор келтириши мумкинлигини яна бир бор кўрсатиб берди.

Н. ЖАЛОЛОВ тайёрлadi.



Музаффар
МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИНИ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА КЎРИШДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИ

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш институти жиддий такомиллаштирилди.¹

Фуқаролик иши бўйича суд қарорлари устидан кассация шикояти бериш (протест келтириш) муддати 1 йилдан олти ойга, назорат тартибида протест келтириш тўғрисида ариза бериш муддати 3 йилдан 1 йилга қисқартилди. Шунингдек, вилоят миқёсидағи судлар томонидан фуқаролик ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институти тугатилиб, тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколатлари бекор қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ишларни назорат тартибида кўриб чиқиш бўйича ваколати ҳамда назорат тартибида кўриб чиқувчи инстанцияларнинг бир-бируни такрорловчи ваколатлари бекор қилинди.²

Назорат инстанцияси судида иш юритишига доир мазкур янгиликлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган янги Фуқаролик процессуал кодексида янада такомиллаштирилди.³

Таъкидлаш жоизки, назорат инстанциясининг такомиллаштирилиши, унинг ваколатларининг кенгайтирилиши, ўз навбатида, кассация ва апелляция инстанцияси судларининг ажримларини қайта кўриш бўйича мурожаатларнинг кўпайишига, бу эса назорат инстанцияси судлари иш юкламаларининг жиддий равишда ортишига сабаб бўлмоқда. Масалан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларини юкори инстанция судлари томонидан назооарт тартибида қайта кўриш 2016 йилнинг 9 ойида 462 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2017 йилнинг 9 ойида 608 тага етган. Шунингдек, 2018 йилнинг 9 ойида ишларни назорат тартибида кўриш тўлиғича Ўзбекистон Республикаси Олий суди ваколатига берилганидан кейин ушбу кўрсаткич 960 тага етган.⁴

Юқоридагиларнинг барчаси суд қарорларини назорат тартибида қайта кўриш босқичида қонунийликни таъминлашнинг, фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари самараали ҳимоя қилинишининг, судларнинг ноқонуний қарорларини қонунга мувафиқлаштириш чораларини кўришнинг, шунингдек, фуқаролик ишларини назорат тартибида кўришда прокурор иштирокининг самарадорлигини оширишига қаратилган тадқиқотларни амалга оширишининг нақадар долзарблигини кўрсатади. Судларда фуқаролик ишларининг назорат тартибида қайта кўрилишида прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 20 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 179-сонли буйруғи асосида



ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) ҳам ўз ифодасини топган.

Ўз навбатида, асосий вазифаси суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эршишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриклиларидаги манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат бўлган прокуратура органларининг мазкур босқичдаги иштироки суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Прокурорнинг назорат инстанциясидаги иштироки унинг суд қарорларини апелляция ва кассация тартибида кўришдаги иштирокидан жиддий фарқ қиласди. Энг аввало процессуал қонунчилик бу борада протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини чегаралайди. Хусусан, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари прокуратура органларининг қўйидаги мансабдор шахслари протестларига кўра назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай судининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг протестларига кўра;

Ўзбекистон Республикаси судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринbosарларининг протестларига кўра, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарорлари мустасно.

Шунингдек, ишни назорат тартибида кўрадиган судларда ҳам жиддий фарқ кўзга ташланади. Жумладан, янги ФПКнинг 424-моддасига мувофиқ, қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати — Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳри судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари устидан берилган шикоятларни (протестларни);

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати — Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция ёки кассация, ёхуд назорат тартибида ишларни кўриш натижалари бўйича чиқарилган ажримлари устидан келтирилган протестларни назорат тартибида кўради.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик процессида суд қарорларини қайта кўриш босқичида прокурор иштироки деярли барча давлатларнинг, хусусан, АҚШ, Германия, Франция, Испания, Италия ва Япония каби ривожланган давлатларнинг қонунчилик тажрибасида ҳам мавжуд. Масалан, Италияда про-



куратура фарзандлар ҳақидаги, шахсни муомала лаёқатига эга эмас деб топиш ҳақидаги ва судда кўрилаётган бошқа бир қатор фуқаролик ишларини кассация судида кўриб чиқишида иштирок этади. Францияда прокурор, агар “жамият манфаатлари” талаб этса, ҳар қандай босқичдаги судларда расман иштирок этади.⁵ Ҳатто айрим давлатларда (Бразилия) прокурорнинг фуқаролик ишларида иштирок этиши ушбу институтнинг функцияларидан бири сифатида Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилган.⁶

Прокурорнинг кенг тарқалган ушбу ваколати баъзида ўз манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини суд қарорларининг қонунийлигини текшириш жараёнида ҳам таъминлашнинг муҳим кафолати сифатида эътироф этилади. Бу ўринда гап, аввало, ахолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган, ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлар, вояга етмаганлар, қариялар, муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар) ҳақида бормоқда. Прокурор, шунингдек, фуқаролик ишларининг мазкур босқичида жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳам киришади.

Прокуратура фаолиятининг суд қарорларининг қонунийлигига муносабати аксарият давлатларнинг қонун ҳужжатларида бевосита прокурор назоратининг мустақил тармоғи сифатида белгилаб қўйилган. Масалан, Молдовада прокуратура фуқаролик, жиноят ва маъмурӣ ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича чиқарилган суд қарорларининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиб боради. Туркманистоннинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида ҳам назоратнинг бошқа турлари қаторида суд қарорларининг қонунийлигини назорат қилиш бевосита кўрсатиб ўтилган.

Арманистон Конституциясининг 103-моддаси⁷ ва Россия Федерациясининг (кейинги ўринларда РФ деб юритилади) “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни⁸ талабларига кўра, протест келтириш прокурорнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш функцияси би-

лан боғлиқ равишда амалга ошириладиган ваколатларидан бири эканлиги ўз ифодасини топган.

Умуман олганда, аксарият давлатлар қонунчилигига суд қарорларининг қонунийлигига муносабат билдириш учун прокурорга бир қатор ваколатлар берилади. Прокурорнинг бундай ваколатларига, масалан, ўзи мазкур фуқаролик ишини кўриб чиқишида иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, суд қарорлари устидан протест келтириши, ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлигини аниқлаш учун ишни тегишли судлардан талаб қилиб олиши шулар жумласидандир.

Ўрганилган аксарият давлатларнинг қонунчилик тажрибаси суд ишларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олишга ваколатли бўлган прокурорларнинг рўйхати бирмунча кенг эканлигини кўрсатади. Масалан, Қозогистон ФПКнинг 438-моддасида⁹ бу каби ваколатларга Бош прокурор ва унинг ўринbosарларидан ташқари, вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорлар, Беларусь ФПКнинг 411-моддасида¹⁰ эса, Бош прокурор ва унинг ўринbosарлари, вилоятлар, Минск шаҳри ва унга тенглаштирилган прокурорлар, туман ва туманлараро прокурорлар ваколатли ҳисобланади.

Мамлакатимиз ФПКнинг 425-моддасида эса ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олишга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринbosарларигина ҳақли эканлиги белгиланган.

Фикримизча, ишларни назорат тартибида қайта кўриб чиқиши учун асослар бор-йўқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун уларни тегишли судлардан талаб қилиб олиш ваколати вилоят ва унга тенглаштирилган прокурорларга ҳам берилишини қонунчиликда белгилаш лозим. Зоро, мазкур ваколат суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли

бўлишига эришиш ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишини таъминлаш борасида прокуратура органдари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига замин яратади.

Амалдаги ФПК ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо хукуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахсларга ҳам суд ҳужжатлари устидан назорат тартибида шикоят қилиш хукуки берилганилиги ҳам муҳим янгилик бўлди. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида белгиланган суд орқали ҳимояланишга бўлган ҳукуқларининг кафолатланишига ёрқин мисол бўла олади. Муқаддам қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини назорат тартибида текшириш фақатгина мансабдор шахсларнинг протести билангина бошланар эди. Эндиликда суд қарорларини назорат тартибида текширишга фуқароларнинг бу ҳақдаги шикоятлари ҳам асос бўла олади. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Фуқароларнинг назорат тартибидаги шикоятлари даставвал Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси томонидан ўрганилиши, судья зарурат бўлса ишни талаб қилиб олиши ва шикоятни ўрганиш натижалари бўйича ўз ажрими билан қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши белгиланган:

1) суд ҳужжатларини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида;

2) шикоятни иш билан бирга мазмунан кўриши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиши ҳақида (ФПКнинг 430-моддаси).

Шу ўринда ФПКнинг 430-моддасидаги қоидалар прокурорнинг назорат тартибида келтирган протестига нисбатан ҳам татбиқ этиладими, деган савол туғилади. Зоро, ФПКнинг 432-моддасида протест келиб тушган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси уни кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажрим чиқариши баён этилган. ФПКнинг 430-моддаси “Назорат тартибидаги шикоят бўйича қабул қилинадиган қарорлар” деб номланиши ва ушбу модда мазмунидан келиб чиқадиган бўлсак, ундаги нормалар назорат тартибида келтирилган прокурор протестларига нисбатан татбиқ этилмаслигини англаш мумкин. Шундай экан, ФПКнинг 432-моддасида белгиланган назорат протестини Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар ортиқча эмасми, деган савол туғилади.





Дарҳакиқат, юқорида қайд этилганидек, йилдан-йилга кассация ва апелляция инстанцияси судларининг ажримларини қайта кўриш бўйича мурожаатлар сони ортиб бораётган бир пайтда, шундок ҳам иш юкламаси юқори бўлган Олий суд судьясига формал вазифанинг юклатилиши мақсадга мувофиқ эмасдек кўринади.

Қолаверса, ФПКнинг 432-моддаси биринчи қисмида назорат тартибидаги шикоятни кўриш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажримнинг мазмуни баён этилган бўлиб, ундаги қоидалар прокурорнинг назорат протестини кўриб чиқиш учун Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажримига нисбатан татбиқ этилмаслиги тушунилади. Бироқ фуқаролик процессуал қонунчилик мамлакатимиз Иктисолий процессуал кодексидан (316-модданинг учинчى қисми) фарқли равишда прокурорнинг назорат протестини кўриб чиқиш учун Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида ажримда нималар баён этилишини белгиламаган. Қолаверса, ўрганилган хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигига мамлакатимиз ФПКнинг 432-моддасида шунга ўхшаш нормалар назарда тутилмаган. Шундай экан, фикримизча, назорат протестлари тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига тақдим этилиши тартибини белгилаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

Тахлиллар шуни қўрсатадики, процессуал қонунчиликда прокурор томонидан назорат тартибida судга тақдим этиладиган процессуал ҳужжатларнинг номланиши ва уларга нисбатан қўйиладиган талабларда ҳам ўзига хос фарқларни кўриш мумкин. Масалан, агар баъзи давлатларда прокурорлар суд қарорлари хусусида протест билдиrsa, бошқа давлатларда (худди процесстнинг бошқа иштирокчилари каби) шикоят қиласди. Шу муносабат билан МДҲга аъзо давлатлар ва Болтиқбўйидаги бир қатор

мамлакатларда прокурорнинг суд қарорлари қонунчиликни назорат қилиш функциясига оид атамаларнинг ҳам борган сари ўзгариб бораётгандигини кўриш мумкин. Масалан, Грузиянинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига кўра, прокурор эндилидада суд қарори устидан назорат тартибida протест эмас, балки шикоят қиласди.¹¹ Аксарият хорижий давлатлар (РФ, Қирғизистон, Туркманистон) қонунчилигига эса прокурор тақдимномаси деб ҳам юритилмоқда.¹²

Прокурорнинг кассация ва назорат инстанцияси судларидаги иштирокига доир жиддий ўзгаришлар РФнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилгандигини таъкидлаш ўринидир. Хусусан, РФ ФПКга кўра, прокурор ўзи иштирок этган ишлар юзасидангина апелляция, кассация ва назорат тартибida тақдимнома киритиши мумкин. Масалан, РФ ФПКнинг 391¹-модда-сига кўра, РФ Олий суди Раёсатига суд қарорларини назорат тартибida қайта кўриш ҳақидаги тақдимнома билан, агар ушбу ишнинг кўрилишида прокурор иштирок этган бўлса, РФ Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари мурожаат қилишга ҳақли бўлади.¹³

РФ ФПКнинг 391²-моддасига мувофиқ, мазкур Кодекснинг 391¹-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган суд қарорлари устидан улар қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч ой муддат ичидан назорат тартибida шикоят қилиниши мумкин.

Назорат тақдимномаси РФ Бош прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланиши шарт.

РФ ФПКда ҳам худди мамлакатимиз ФПК каби Олий суд судьяси назорат тартибидаги шикоятни ўрганиши ва уни ўрганиш натижалари бўйича ўз ажрими билан суд ҳужжатларини назорат тартибida қайта кўриш учун асослар мавжуд эмаслиги тўғрисида ёки шикоятни иш билан бирга мазмунан кўриш учун Олий суднинг Раёсатига ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласди. Ушбу жараёнда миллий қонунчилигимиз ўрасидаги тафовут шундаки, РФ Олий суди судьяси фақат шикоятни эмас, балки РФ Бош

прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан киритилган назорат тақдимномасини ҳам шу йўсунда текшириб чиқади ва агар суд хужжатларини назорат тартибида қайта кўриш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисобласа, бу ҳақда асослантирилган ажрим қабул қилиши мумкин. Шунингдек, Олий суд судьяси ишни мазмунан кўриш учун мамлакатимиз қонунчилигига бўлгани каби Олий суднинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига эмас, балки Олий суд Раёсатига ўтказиш ҳақида қарор қабул қиласди.

Ундан ташқари, РФ ФПКда назорат тартибида суд қарорларини бекор қилиш ёки ўзгартириш асослари мамлакатимиз қонунчилигидаги асослардан жiddий фарқ қиласди. Хусусан, РФ ФПКнинг 391⁹-моддасига кўра, суд қарорлари назорат тартибида РФ Олий суди Раёсати томонидан қуидаги асосларга кўра бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши шарт:

1) фуқаро ва инсоннинг РФ Конституцияси, ҳалқаро ҳукуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормалари, РФ ҳалқаро шартномаларида кафолатланган ҳукуқ ва эркинликлари бузилган бўлса;

2) номуайян шахслар доирасининг ҳукуклари ва қонуний манфаатлари ёки жамоат манфаатлари бузилса;

3) ҳукуқ нормаларини бир хилда талқин қилиш ва кўллаши талаб этилса.

Бошқа давлатлар қонунчилигига учрамайдиган ҳолатлардан бири Беларусь ФПКнинг 130-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, жисмоний шахсларнинг моддий ахволидан келиб чиқиб, уларни назорат шикоятини бериш жараёнида давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод этиш ҳукуқига эга. Мамлакатимиз қонунчилигига мазкур ҳолатда давлат божини тўлашдан озод қилиш прокурор ваколатига берилмаган. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 128-моддасида давлат божини тўлаш асослари ва тартиби, уни тўлашдан озод қилиш, давлат божини қайtarish тартиби қонун хужжатлари билан белгиланиш назарда тутилиб, муқаддам амалда бўлган ФПК (110-модда)дан фарқли равишда судларга тарафларнинг мулкий ахволидан келиб чиқиб, давлат

божини тўлашдан озод қилиш ваколати берилмаган. Бироқ шундай бўлса-да, янги ФПКнинг 133-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, суд тарафларнинг мулкий ахволига қараб, улардан бирининг ёки иккаласининг давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини тўлашни кечикиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек, бу харажатларнинг миқдорини камайтириши мумкин.

Дарҳақиат, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламишининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш, суд орқали ҳимояланишдек мамлакатимиз Конституциясининг 44-моддасида белгиланган ҳукукларини қўшимча равиша кафолатлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 133-моддасига назорат протестини келтириш ваколатига эга бўлган прокурор, фуқароларнинг мулкий ахволидан келиб чиқиб, назорат протестини келтириш ҳақидағи аризани бериш жараёнида давлат божини тўлиқ ёки қисман тўлашдан озод қилиш ҳукуқига эга бўлиши тўғрисидаги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ф-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017. 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
2. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик процессуал қонунчилиги: эришилган ютуқлар ва такомиллашув сари // Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари (Мақолалар тўплами). –Т.: Noshirlik yodgusi. 2017.-73 бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 й., 02/18/ФПК/0612-сон, 12.10.2018 й., 03/18/496/2043-сон.
4. Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳамда иқтисодий ва маъмурий судларнинг 2018 йил 9 ойи давомидаги иш фаолияти тўғрисида тўплами // Ўзбекистон Республикаси Олий суди. 2018 й.
5. Қаранг: Решетников Ф. М. Правовые системы стран мира: справочник. –М.: 1993. – 111 с.
6. Қаранг: Constitution of Brazil <http://www.v-brazil.com/government/laws/titleIII.html>
7. Конституция Республики Армения. http://www.gov.am/u_files/file/Constitution/Constitution-hin.pdf
8. Федеральный закон от 17.01.1992 N 2202-1 (ред. от 28.11.2015) “О прокуратуре Российской Федерации”. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_262/
9. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан // Астана, Акорда, 31 октября 2015 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 05.07.2018 г.) WWW <http://online.zakon.kz>
10. Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // Национальный реестр правовых актов Республики Беларусь, 1999. № 18-19, 2/13. www.consultant.ru; Kodeksy.by, 2016 - Кодексы Республики Беларусь.
11. Прокурорский надзор // Под ред. О.А.Галустяна и др. -Москва., 2006. –С. 343-361.
12. Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 25 января 2017 года № 14. (Вводится в действие Законом КР от 20 января 2017 года № 6 с 1 июля 2017 года) (В редакции Закона КР от 25 июля 2017 года № 141) <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111521>; Гражданский процессуальный кодекс Туркменистана <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=9531>.
13. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002. №138-ФЗ
(ред. от 03.08.2018). www.consultant.ru



ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



Бобоқул ТОШЕВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ СУД ТИЗИМИ ВА СУДЬЯЛАР ТАЙЁРЛАШ АМАЛИЁТИ

АҚШ 50 та штат ва Колумбия федерал (пойтахт) округидан иборат маңыруй ҳудудий бирлигига эга бўлган давлатдир. АҚШ Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган бўлиб, у дунёдаги дастлабки конституциялардан бири ҳисобланади.

Америка Конституцияси давлат-хуқуқи тизимида ҳокимиятларнинг бўлиниши, федерализм ва конституциявий назорат тамоилларини жорий этганлиги билан ажralиб туради.

СУД ТИЗИМИ

Кўплаб соҳаларда дунё мамлакатлари орасида етакчи ўринда турадиган АҚШ суд тизими ва судьяларни тайёрлаш борасида ҳам илгор тажрибага эга бўлган мамлакатлардан биридир.

Дастлаб алоҳида таъкидлаш керакки, давлат олий ҳокимият тизимида АҚШ суд тизими давлатнинг федератив хусусиятига асосан ташкил этилгани билан характерланади.

АҚШ олий суди мамлакат суд тизимида алоҳида ўрин эгаллади. АҚШ Олий суди тўққиз аъзодан иборат бўлиб, аъзолар Президент томонидан тайинланади ва Сенат томонидан тасдиқланади. Олий суд Конституциявий назорат органи функциясини бажара бориб, Конгресс акти штат қонуни ёки ҳар қандай суд қарорлари Конституция нормаларига зид келган тақдирда уларни бекор қилиш хуқуқига эга.

Шунингдек, Олий суднинг асосий функциясига икки ёки ундан ортиқ штатлар ўртасидаги низоларни биринчи инстанция тартибида кўриб чиқиш ҳам киради.

Мамлакатда Федерал суд тизими билан бирга ҳар бир штатнинг мустақил суд тизими амал қиласи. Штат судлари томонидан асосан фуқаролик ва шикоят ишларининг асосий қисми кўриб чиқилади ва бу тоифадаги ишларнинг бир қисми федерал судлар томонидан ҳам кўрилади.

Федерал суд тизими таркибига апелляция, округ ва маҳсус судлар киради.

Апелляция судлари 1891 йили Олий суд ва округ судлари орасидаги оралиқ бўғин сифатида ташкил этилган. Ўн битта апелляция округлари ташкил этилган бўлиб, улар-



нинг ҳар бирида таркибида 23 судьяси бўлган апелляция судлари мажлис ўтказади. Бундан ташқари, апелляция суди Колумбия округида ҳам алоҳида ташкил этилган.

1982 йили федерация миқёсида юрисдикцияга эга бўлган Апелляция суди ташкил этилган бўлиб, у патент, божхона ишлари, шу билан бирга, даъволар бўйича шикоятларни ҳам кўриб чиқади. Ҳар бир апелляция суди ишида АҚШ Олий суд аъзоларидан бир нафари иштирок этади ва судлов жараёнига раҳбарлик қилади. Апелляция судлари округ судларининг ҳукм ва қарорларига нисбатан берилган, шунингдек, штатларнинг маъмурий органларининг қарорлари юзасидан шикоятларни кўриб чиқади.

Округ судлари штатлар худудида ташкил этилади. Округ судлари федерал судлар ваколатига тегишли асосий ишларни кўриб чиқади. Катта штатларда бир неча округ судлари ташкил этилади. АҚШда ҳаммаси бўлиб 95 та округ судлари ташкил қилинган.

Максус судларда даъво суди мавжуд бўлиб, у жисмоний шахс ва корхоналарнинг федерал ҳукуматга нисбатан даъволоварини кўриб чиқади. Нью-йорк шаҳрида Ташки савдо бўйича суд ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Штатлар суд тизими Штат Олий суди томонидан бошқарилади. Штатларда умумий юрисдикцияга эга судлардан ташқари, ихти-

сослаштирилган судлар мавжуд бўлиб, улар учча катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳукук-бузарликларни якка тартибда магистрантлар ва судьялар томонидан кўриб чиқади.

СУДЬЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Америка Кўшма Штатларида судьялар ва суд ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига асосан учта муассаса жалб этилган.

Биринчи муассаса – бу Миллий суд коллежи бўлиб, у 1963 йилда нотижорат таълим муассасаси сифатида таъсис этилган. Ушбу ўқув муассасаси барча турдаги судлар ва суд ходимлари учун Невада университети худудида турли ўқув курсларини ташкил этади. Коллеж профессор ўқитувчилари таркибини судьялар, адвокатлар, олимлар ва бошқа турли соҳалардан жалб қилинган етук мутахассислар (тиббиёт ходимлари, психологлар, социологлар, ахборот коммуникация технологияси бўйича эксперталар ва бошқалар) ташкил этиб, улар жамоатчилик асосида машгулотлар ўтказадилар. Коллеж томонидан йилига 100 га яқин ташкил этиладиган ўқув курсларида 2800 дан зиёд судьялар иштирок этади.

Ўқув дастурлари судьялик санъати, касб маҳорати ва қонунчиликдаги янгиликларни ўз ичига олган. Ўқув курсларининг шакллари турлича бўлиб, улар орасида асосий дастур узоқ муддатга мўлжалланган. У ўқув йили давомида 2 кундан 3 хафтагача бўлган машгулотлар шаклида ташкил этилади. Шунингдек, курслар, семинарлар, сертификатли дастурлар, интернет орқали ўқитиладиган курслар ва суд соҳасида илмий изланишлар олиб бориш имкониятини беरувчи дастурлар мавжуддир.

Асосий дастурга судьяларнинг одобахлоқи, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар, суд ҳужжат-



ларини юритиш, низоларни ҳал этишнинг муқобил усуулари ва бошқарув кўникмалари, суд мажлислари залида холислик муҳитини барпо этиш, судьялар учун компьютер ва технологиялардан фойдаланиш, руҳий хасталанганлар билан боғлиқ суд ишларини кўриш, судьялик кўникмаларини ривожлантириш, мантиқий фикрлаш ва нутқ лаёқати, ёзма иш, апелляция билан боғлиқ кўникмалари, мураккаб суд ишларини кўриб чиқиши ва бошқа кўпгина мавзулар киритилган.

Иккинчи муассаса – 1967 йилда АҚШ Конгресси томонидан ташкил этилган Федерал суд марказидир. Мустақил тадқиқот ва таълим маркази бўлмиш ушбу муассаса федерация миқёсида фаолият юритувчи судьялар ва суд ходимларини ўз тадбирлари билан қамраб олади.

Мазкур муассаса федерал бюджетдан молиялаштирилади. Федерал суд марказининг ўкув дастурлари доимий асосда баҳоланиб борилади. Бунинг учун махсус баҳолаш варақалари тарқатилиб, кейинчалик уларга берилган жавоблар таҳлил этилади. Таҳлил натижалари бўйича дастурда мавжуд бўлган такрорланишлар аниқланади.

АҚШ Федерал суд марказида ўкув жарайенини ташкил қилиш, узлуксиз таълим амалиёти ва бутун мамлакат бўйлаб судьяларнинг ўкув тадбирларини ташкил этиш, марказнинг халқаро дастурлари, судьяларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича бошқа давлатлар билан алоқалари алоҳида ўрин эгаллайди.

Учинчи муассаса – штатлар судларининг Миллий маркази бўлиб, у 1970 йилда таъсис

